Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ИИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 80 (20. 947) 1991 йил 25 апрель пайшанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

МАМЛАКАТДАГИ АҲВОЛНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ВА ТАНГЛИКНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ДОИР КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА ҚЎШМА

Б А Ё Н О Т

Жамиятимиздаги танглик тобора кучайиб бормоқда. Жамиятни ижтимоий ва миллатлараро можаролар ларзага солмоқда. Ишлаб чиқариш таназзули кучайиб бормоқда. Турмуш даражаси пасаймоқда, одамларни энг зарур маҳсулотлар билан таъминлаш хавф остида қолмоқда. Мамлакатда ҳуқуқ-тартибот ва интизом жиддий равишда бузилди. Ўнлаб йиллар давомида тўпланиб қолган ўткир муаммолар, ўтиш даврининг жуда оғир қийинчиликлари, қайта қуриш давомида йўл қўйилган хатолар бир-бирига чатишиб кетди.

СССР Президенти ҳамда иттифоқдош республикалар — РСФСР, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон давлат олий идораларининг раҳбарлари 1991 йил 23 апрелдаги учрашувларида мамлакатдаги аҳволни муҳокама қилиб, ўзаро келишилган чора-тадбирларни сира пайсалга солмай амалга ошириш зарур деб ҳисоблайдилар.

Биринчиси. Учрашув қатнашчилари ҳамма жойда конституциявий тартибни тиклашга, янги Иттифоқ шартномаси ва Иттифоқ Конституцияси қабул қилингунга қадар амалдаги қонунларга сўзсиз риоя қилишга доир қатъий чоралар кўриш мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштиришнинг сўзсиз шарти деб ҳисоблайдилар. Иттифоқ ва республика ҳокимият органлари, маҳаллий Советлар ва ижроия комитетлари, барча ташкилотлар ва корхоналардаги мансабдор шахслар, фуқаролар ўз фаолиятида ана шунга асосланишлари керак.

Иккинчиси. Ўтказилган Бутуниттифоқ референдуми якунларини ҳисобга олиб мустақил давлатларнинг янги шартномасини тузиш тангликни бартараф этиш учун биринчи навбатдаги вазифадир. Шу муносабат билан учрашув қатнашчилари қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

— келишилган янги Иттифоқ шартномасини мазкур жумҳуриятларнинг делегатлари имзолаши мумкин бўлиши учун бу ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш ишини яқин вақт ичида тугаллаш;

— шартнома имзоланганидан кейин олти ойдан кечиктирмай Иттифоқнинг янги Конституцияси тайёрланиши ва у СССР халқ депутатларининг съездида қабул қилиниши, мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисидаги шартноманинг қоидалари СССРнинг янги Конституциясига асос қилиб олиниши керак;

— янги Конституция қабул қилингандан сўнг шартномада ва Конституцияда кўзда тутилган Иттифоқ ҳокимияти идораларига сайлов ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш;

— бутун ўтиш даври давомида Иттифоқ ва жумҳуриятлар ҳокимият органларининг, барча босқичдаги халқ депутатлари Советларининг меъёрий фаолияти таъминланиши лозим;

— иттифоқдош жумҳуриятларнинг учрашувда қатнашган олий раҳбарлари Латвия, Литва, Эстония, Молдова, Грузия ва Арманистоннинг Иттифоқ шартномасига қўшилиш тўғрисидаги масалани мустақил ҳал этиш ҳуқуқини тан оладилар ва айни пайтда Иттифоқ шартномасини имзолаган жумҳуриятлар учун улар барпо этадиган ягона иқтисодий макон доирасида энг кўп қулайлик режими ўрнатилишини зарур деб ҳисоблайдилар;

— миллий белгиларига қараб камситишга, миллатлараро можароларни келтириб чиқаришга, СССР фуқаролари қаерда яшамасинлар, уларнинг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйиб бўлмайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари бундай ҳодисалар йўлига қатъий тўсиқ қўйишлари лозим.

Учинчиси. Иттифоқ идоралари ва жумҳуриятларнинг 1991 йилги иқтисодий битимда мустаҳкамлаб қўйилган мажбуриятларини ва уларнинг биринчи навбатда бюджетлар ва бюджет фондларини шакллантиришга доир қисмлари сўзсиз бажарилиши зарурлигини тасдиқлаш.

Бунда кескинлашган ижтимоий-иқтисодий вазият ҳисобга олиниб, тангликка қарши чора-тадбирларни биргаликда амалга ошириш якдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Корхоналар, минтақалар ва жумҳуриятлар ўртасидаги хўжалик алоқалари янада кучайтирилиши ва ривожлантирилиши таъминланиши лозим, бунинг учун СССР Вазирлар Маҳкамаси ва иттифоқдош республикалар ҳукуматларининг масъулияти оширилиши керак.

Учрашув қатнашчилари мамлакат халқ хўжалигидаги вазиятни барқарорлаштириш мақсадида саноатнинг базавий тармоқларида, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган корхоналарда, темир йўл транспортида ишнинг алоҳида режимини жорий этишни ёқлаб фикр билдирдилар.

Зарур бўлган тақдирда жумҳуриятларнинг ҳокимият органлари халқ хўжалигининг меъёрдаги ишини таъминлайдиган қўшимча чораларни кўрадилар.

Учрашув қатнашчилари аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни биринчи навбатдаги вазифа деб ҳисоблайдилар. Марказий ва жумҳурият идоралари қишлоқ хўжалигига, деҳқончилик-саноат комплекси корхоналарига моддий ресурсларни етказиб бериш режаларини бажариш юзасидан мувофиқлаштирилган тадбирларни амалга оширадилар. СССР Вазирлар Маҳкамаси билан иттифоқдош республикаларнинг ҳукуматлари йилнинг иккинчи чораги давомида қишлоқ хўжалиги ва деҳқончиликсаноат комплекси корхоналарининг халқ хўжалиги бошқа тармоқлари билан тенг муносабатларини сақлаб тўришга доир қарорларни ишлаб чиқиб, қабул қилишлари керак.

Тўртинчиси. Учрашув қатнашчилари чакана нархларни ислоҳ қилиш чоғида аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир қиладиган барча омиллар ҳисобга олинмаганлигини назарда тутиб, фуқароларни, айниқса қашшоқ фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш манфаатларини кўзлаб бир қанча қўшимча чоралар кўришни зарур деб ҳисоблайдилар. Жумладан:

— кундалик эҳтиёж молларини сотишга 5 фоизлик солиқни бекор қилиш. СССР Вазирлар Маҳкамаси ва республикаларнинг ҳукуматлари бир ҳафта муддатда ана шундай молларнинг рўйхатини аниқлашлари керак;

— СССР Вазирлар Маҳкамаси ва республикаларнинг ҳукуматлари нарх-наво билан боғлиқ ҳақиқий вазиятни икки ҳафта давомида кўриб чиқиб энг кўп ижтимоий кескинликка сабаб бўлаётган масалалар юзасидан келишилган қарорлар қабул қилишлари керак;

— талабалар ошхоналари ва мактаб буфетларида нарх қимматлашганлиги учун компенсация тўлаш чораларини кўриш, шунингдек темир йўл ва авиация транспорти янги тарифларини қайта кўриб чиқиб, уларни камайтириш;

— бир ой давомида даромадларни индекслаш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Иттифоқ ва республикаларнинг раҳбарлари юқоридаги ўзаро келишилган қарорларни ҳисобга олиб, шахтёрларга ва барча меҳнаткашларга мурожаат қилиб, уларни иқтисодий ва сиёсий сабаблар билан иш ташлашни тўхтатишга, бой берилган ишларни яқин вақт ичида бажариш учун куч-ғайрат сарфлашга чақирадилар.

Бешинчиси. Иттифоқ ва республикаларнинг раҳбарлари мамлакатдаги ғоят ўткир танг вазиятни эътиборга олиб, фуқароларнинг итоатсизлигига, иш ташлашларга даъват этиш, давлат ҳокимиятининг қонуний йўл билан сайланган мавжуд идораларини ағдариб ташлашга чақириш йўли билан сиёсий мақсадларга эришишга уринишларга тоқат қилиб бўлмайди, деб ҳисоблайдилар.

Улар демократияни ривожлантириш, ҳокимиятнинг ваколатли органлари фаолияти, ошкоралик туфайли вужудга келаётган имкониятлардан фойдаланиб, барча ижтимоий ва сиёсий кучларнинг қонун доирасида ҳамкорлик ва алоқа қилишларини ёқладилар.

Бунда ҳозирги масъулиятли даврда халқнинг манфаатлари, мамлакатни танглиқдан чиқариб олишга доир амалий иш, жамиятдаги демократик ўзгартишларни давом эттириш, аҳолига ижтимоий мадад кўрсатиш чораларини амалга ошириш билан бир вақтда иқтисодий ислоҳотни янада кенгайтириш ҳамма ишдан устун қилиб қўйилиши кераклиги алоҳида таъкидланди.

Учрашув қатнашчилари иттифоқдош республикаларнинг роли тубдан оширилмаса вазиятни барқарорлаштириш ва тангликни бартараф этишга доир бу чора-тадбирларнинг ҳаммаси беҳуда эканлигини яхши англайдилар.

СССР Президенти М. ГОРБАЧЕВ, РСФСР Олий Кенгашининг Раиси Б. ЕЛЬЦИН, УССР Бош вазири В. ФОКИН, БССР Вазирлар Кенгашининг Раиси В. КЕБИЧ, Ўзбекистон Президенти И. КАРИМОВ, Қозоғистон Президенти Н. НАЗАРБОЕВ, Озарбайжон Президенти А. МУТАЛИБОВ, Қирғизистон Президенти А. АКАЕВ, Тожикистон Президенти Қ. МАҲКАМОВ, Туркманистон Президенти С. НИЁЗОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

● Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон ССР Президентининг «Шахсий ёрдамчи хўжаликлари бўлган деҳқонларга молиявий ёрдам кўрсатиш ва улар уюшмасининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш тадбирлари ҳақида» қарор қабул қилди. Вазирлар Маҳкамаси ўзининг бу қарори билан шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш ва ундан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг мақоми ҳақидаги низомни тасдиқлади.

Ўзбекистон ССР Молия вазирлигига бозор муносабатларига ўтиш даврида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кескин кўпайтириш ва деҳқонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида 1991 йилда республика шахсий ёрдамчи хўжаликлари эгаларининг уюшмасига қишлоқни янгилаш жамғармаси маблағларидан бир миллиард сўм, шундан иккинчи кварталда 250 миллион сўм, учинчи кварталда 250 миллион сўм ва тўртинчи кварталда 500 миллион сўм пул ажратиш, Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банкига бу маблағларни ўтказиш, сақлаш ва сарфлаш учун республика, вилоят ва район банк муассасаларида уюшма ҳамда унинг вилоят ва район бўлинмаларининг ҳисоб дафтарчаларини очиш топширилди.

Уюшмага шахсий ёрдамчи хўжаликларга мадад жамғармасини ташкил этиш учун ажратиладиган маблағлар, биринчи навбатда, ўз моддий-техника базасини ривожлантиришга ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналар қурилишига, шунингдек, деҳқон хўжаликлари эҳтиёжларини ҳисобга олиб, уларга қарз беришга сарфланади. Бу маблағлар, жумладан, моддий-техникавий ресурсларни сотиб олишда, шахсий ёрдамчи хўжаликлар етиштираётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналарни, бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни, ёрдамчи хўжаликлар маҳсулотларини сотишда фойдаланиладиган омборхоналар, бошқа иншоотлар (дўконлар ва шу кабилар)ни лойиҳалаш ва уларни қуришда, деҳқон хўжаликларига агротехника ва зооветеринария хизматини ташкил этишда, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёни қайта ишлайдиган, маҳсулотларни ўраб жойлашда керак бўладиган материалларни ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар ва бошқа иншоотларни бунёд этишда фойдаланилади.

Қарорда қайта ишловчи корхоналар, таъминот-маҳсулот сотиш, тайёрлов, савдо, автотранспорт, қурилиш ва бошқа ташкилотлар иши учун зарур бўлган ишлаб чиқариш ресурслари ва хом ашёларни ғамлаб қўйиш мақсадида корхоналар ва ташкилотлари ўз оборот маблағларини шакллантириш кўзда тутилади.

Мадад жамғармаси маблағларидан шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эгалари бўлган деҳқонлар учун қарз ажратилади, бу қарзлар оиланинг иқтисодий аҳволини, меҳнатга лаёқатли оила аъзоси қанча эканлигини, ер майдони миқдорини, ем-хашак ва бошқа моддий-техникавий воситалар билан таъминланганини, шунингдек, хўжалик эҳтиёжини ҳисобга олиб, имтиёзли шартлар билан берилади.

Шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эгаларига посёлка, қишлоқ (овул) Советларининг кафолати билан ва аниқ бир шахснинг белгиланган тартибдаги кафиллиги билан қарз берилади.

Қарзга олинган пуллардан ернинг ҳосилдорлигини оширишда, ерларни текислашда, суғориш шохобчаларини келтиришда, минерал ўғитлар сотиб олишда, мол ва парранда харид қилишда фойдаланилади. Бундан ташқари қурилишга, ишлаб чиқариш иншоотларини кенгайтириш ва таъмирлашга, қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олишга сарфланади.

Республика уюшмасига ҳар бир минтақанинг жорий эҳтиёжларига асосланиб, мадад жамғармасидан ажратилган маблағларни вилоятлар ўртасида қайта тақсимлаш ҳуқуқи берилди. Вилоят ва район уюшмалари мадад жамғармасидан ажратиладиган маблағларни шахсий ёрдамчи хўжаликлар ўртасида бевосита тақсимлайдилар. Бунда шахсий ёрдамчи хўжаликлар сонига асосланиб, уларнинг эҳтиёжи ҳисобга олиниб, қишлоқ, овул Советларининг таклифи билан мадад жамғармаси маблағлари тақсимланади.

Қарорда мадад жамғармасидан ажратиладиган маблағлардан маъмурий-бошқарув ходимларига ҳақ тўлашда, ускуналар, идора буюмларини, хўжалик моллари ва бошқа нарсаларни сотиб олишда, шунингдек, бошқарув фаолияти билан боғлиқ харажатлар учун фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслиги таъкидланган. Бошқарув идораси ходимларига кетадиган харажатлар шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгаларининг кириш ва аъзолик бадаллари ҳисобидан қопланади. Уюшманинг мадад жамғармаси маблағларидан фойдаланишга доир барча банк операциялари нақд пулсиз ҳисобкитоб қилиш йўли билан бажарилади. Район ва вилоят уюшмаларининг таклифлари асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки муассасалари юқорида айтилган жамғарма маблағлари аниқ бир мақсад йўлида сарфланмаган ҳар бир ҳол учун тўла жавобгардирлар. Мадад жамғармаси маблағларидан аниқ бир мақсад йўлида фойдаланмаслик борасидаги ҳар бир ҳолат Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки муассасалари даромадлари ҳисобидан қопланади.

Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банкига шахсий ёрдамчи хўжаликларга мадад жамғармаси маблағларидан фойдаланиш юзасидан ҳар кварталда ҳисобот юритиш, худди шу муддатда Вазирлар Маҳкамасига бу маблағлар қандай сарфланаётгани тўғрисида ахборот бериш вазифаси топширилди.

Уюшмага хусусий соҳа учун моддий-техникавий ресурслар фондини бошқариш вазифаси топширилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Давлат иқтисодиёт комитетига, Ўзбекистон ССР Давлат-кооператив таъминот комитетига, Ўзбекистон ССР Деҳқончилик-саноат комплексини техникавий таъминлаш ва техникани ремонт қилиш давлат-кооператив комитетига, Ўзбекистон ССР Давлат нефть маҳсулотлари билан таъминлаш комитетига, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлигига, Ўзбекистон ССР Савдо вазирлигига, Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари вазирлигига, Ўзбекбирлашув, «Узглавлегснабсбит»га, «Ўзплодоовощвинпром» концернларига, «Сортсемовощч» ва «Ўзагростой» бирлашмаларига Ўзбекистон ССР шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эгалари уюшмалари учун алоҳида сатрда тегишли номенклатурага мувофиқ моддий-техникавий ресурслар ажратиш вазифаси топширилди.

Капитал қурилиш соҳасида уюшмага катта ҳуқуқлар берилди. Смета қиймати 100 минг сўмгача бўлган кичик цехлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятидаги бошқа иншоотларни лойиҳалаш ва қуриш учун техника ҳужжатларини район уюшмаси, смета қиймати 500 минг сўмгача бўлганини вилоят уюшмаси, 500 минг сўмдан ортиқ бўлганини уюшманинг республика кенгаши тасдиқлайди.

Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банкига 1991—1992 йиллар учун капитал маблағлар умумий ҳажми доирасида алоҳида лойиҳалар ва сметалар бўйича ишлар ҳажмини амалда бажариш юзасидан уюшманинг ишлаб чиқариш иншоотларини қуриш мақсадида истисно тариқасида маблағ билан имтиёзли равишда таъминлашга рухсат этилди.

Тегишли лойиҳа ташкилотлари зиммасига Ўзбекистон ССР шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари уюшмаси иншоотларини устивор тарзда лойиҳалашни таъминлаш вазифаси юклатилди.

«Ўзагростой» республика давлат-кооператив бирлашмаси зиммасига Ўзбекистон ССР шахсий ёрдамчи хўжаликлари эгалари уюшмасининг буюртмалари асосида кичик корхоналар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақланадиган базалар, шунингдек, бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган корхоналар ҳамда бошқа иншоотлар қурилишини биринчи навбатда амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан уюшмага ва унинг жойлардаги бўлинмаларига шахсий ёрдамчи хўжаликларда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ортиқчасини сотиб олиш ва сотишда воситачилик қилиш ҳуқуқи берилди.

Уюшманинг хўжалик ҳисобидаги корхоналари ва ташкилотларига «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқ олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 6-моддаси 5-бандининг «Б» кичик бандида кўзда тутилган солиқ бўйича имтиёзлар берилади. Шу муносабат билан улар даромад солиғидан озод қилинадилар.

Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорнинг бажарилиши шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш ва шундай хўжаликлари бўлган деҳқонларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни / кўпайтиришдаги ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги аҳамиятини ошириш имконини беради.

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

Мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлашда прокуратуранинг ролини оширишга оид энг зарур чора-тадбирлар тўғрисида

Қонунийлик, Совет фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинликлари, СССР ва республикаларнинг суверен ҳуқуқлари таъминланишида прокуратуранинг ролини ошириш, жамиятнинг ҳуқуқий негизларини бузишга олиб борадиган жараёнларга фаол қаршилик қилиш, ҳуқуқ-тартиботга бўладиган ҳар қандай ҳамлаларнинг қатъият билан олдини олиш мақсадида СССР Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. СССР Бош прокурори, республикаларнинг прокурорлари ва уларга бўйсунувчи прокурорлар:

СССР ва республикалар қонунларининг ижросини назорат қилишда СССР халқ депутатлари тўртинчи съездининг янги Иттифоқ шартномаси имзолангунга қадар барча давлат идоралари амалдаги СССР Конституциясига ва Иттифоқ қонунларига риоя этишлари лозимлиги тўғрисидаги қарорига мувофиқ иш тутсинлар;

миллатидан, тилидан, динга муносабатидан, эътиқодларидан қатъи назар, инсон ҳуқуқларини таъминлаш энг муҳим вазифа деб ҳисоблаганлиги, фуқароларни ҳар қандай камситишнинг қатъият билан олдини олсинлар;

халқ депутатлари маҳаллий Советлари, уларнинг ижроия ва бошқарув идоралари, жамоат бирлашмалари ва барча мансабдор шахслар томонидан қонунларга оғишмай риоя этилишини назорат қилишда ўз ҳуқуқларидан тўла-тўкис фойдалансинлар. Шу билан бирга барча поғоналардаги халқ депутатлари Советлари билан фаол ўзаро алоқа ўрнатсинлар, Советларга қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибга, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва аҳолини ижтимоий муҳофаза этишга оид масалалар юзасидан аниқ таклифлар киритсинлар;

қонунийликка риоя этиш ва жиноятчиликка қарши курашнинг энг муҳим соҳаларида ҳуқуқдан фойдаланиш тажрибасини доимо ўрганиб борсинлар.

2. Республикаларнинг давлат ҳокимияти олий идораларига прокуратура идораларининг фаолиятини тартибга соладиган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш вақтида мазкур идоралар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш манфаатлари йўлида бутун мамлакат ҳудудида СССР қонунлари бир хил тарзда ижро этилишини таъминлашлари лозимлигига асосланиб иш тутишлари тавсия қилинсин; республикаларнинг қонунлари СССР халқ депутатлари тўртинчи Съездининг СССР Конституцияси 164, 166, 167 ва 168-моддаларига киритган ўзгартишларга мувофиқ ҳолга келтирилсин.

3. Прокурорга қонунга зид ҳуқуқий ҳужжат хусусидаги ўз норозилиги рад қилинган тақдирда судга мурожаат этиш ҳуқуқи берилсин. Шунингдек, прокурорнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгилансин.

ССР Иттифоқи прокуратураси СССР Олий Кенгашининг қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот комитети билан биргаликда «СССР прокуратураси тўғрисида»ги СССРнинг амалдаги Қонунига тегишли ўзгартишларни тайёрлаб киритсин, СССР прокуратураси тўғрисида янги Қонун лойиҳасини тайёрлашни жадаллаштирсин.

4. СССР Бош прокурорининг:

иттифоқдош республикаларнинг прокурорларини ва Москва шаҳрининг прокурорини ССР Иттифоқи прокуратураси ҳайъатига киритиш тўғрисидаги;

ССР Иттифоқи прокуратурасида миллатлараро можароларга ва шу асосда фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишига нисбатан оператив чора кўрадиган махсус бўлинма тузиш ҳақидаги;

унга ССР Иттифоқи прокуратурасининг тузилишини, ходимларнинг штатдаги сони ва меҳнат ҳақи фондини тасдиқланган маблағ доирасида белгилаш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги таклифларга розилик берилсин.

5. СССР Вазирлар Маҳкамасига СССР Бош прокурорининг прокуратура идораларини, шунингдек, ССР Иттифоқи прокуратураси ҳузуридаги илмий тадқиқот ва ўқув илмгоҳларини материал, техника воситалари ва кадрлар билан таъминлашни яхшилаш хусусидаги таклифлари тасдиқланган харажатлар ҳажми доирасида кўриб чиқиш топширилсин.

6. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари, уларнинг ижроия ва бошқарув идоралари ўз ҳудудида жойлашган прокуратура идораларига ижара шарти билан хизмат биноларини бериб қўйсинлар.

Хизмат вазифасини ижро этиш пайтида ҳалок бўлган прокуратура ходимлари, шунингдек, прокуратура ходимларининг оилалари уйжой тақсимотида, хонадон телефонларини ўрнатишда, мактабгача тарбия муассасаларидан жой олишда, ижтимоий-маиший таъминотнинг бошқа масалаларини ҳал этишда ССР Иттифоқи ва республикаларнинг қонунларида кўзда тутилган тартибда имтиёзлардан фойдаланадилар.

СССР Олий Кенгашининг Раиси
А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 17 апрель.

АЁЛЛАРГА ЁРДАМ БЕРАЙЛИК

КПСС Марказий Комитетининг хотин-қизлар ва оила масалалари доимий комиссияси навбатдаги мажлисининг қатнашчилари иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш шароитида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш муаммоларини муҳокама қилдилар. Турмуш даражаси пасайиб, иқтисодий алоқалар барбод бўлиб бораётган, нарх-наво кескин кўтарилаётган, ишсизлик хавфи пайдо бўлган шароитда партия ташкилотлари оилани ва ишлайдиган аёлларни ҳам, уй-рўзғор ишлари, ёш болалар тарбияси билан шуғулланувчи, беморлар ва кексаларни боқувчи аёлларни ҳам ҳимоя қилиш юзасидан аниқ-равшан чора-тадбирларни белгилаб олишлари лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Комиссия аъзолари чакана нархлар соҳасида ўтказилган ислоҳотнинг бир қанча қоидаларига қўшилмасликларини билдирдилар. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида аёлларни ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини амалга ошириш юзасидан партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги масалани КПСС Марказий Комитети Котибиятининг муҳокамасига қўйишга қарор қилинди.

СССР соғлиқни сақлаш вазири, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси И. Н. Денисов оналик ва болаликни муҳофаза қилиш юзасидан СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги кўраётган чора-тадбирлар ҳақида ахборот берди.

Мажлис қатнашчилари комиссияга тушаётган хатлар ва илтимосномалар тўғрисидаги ахборот билан танишдилар.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг котиби Г. В. Семенова нутқ сўзлади.

(ТАСС).

● Журналистлар билан суҳбат

Халқлар дўстлиги туфайли қайта тиклинган шаҳар

1966 йилнинг 26 апрелини Ўзбекистон пойтахтининг аҳолиси ва меҳмонлари асло унутмайди. Ўшанда Тошкент зилзиласининг гулдураши эрта тонгда ҳаммани уйготиб юборган эди. Апрель ва май ойларида бўлган ер силкинишлари оқибатида 36 мингтадан кўпроқ бино, шу жумладан 207 та мактаб, 240 тадан кўпроқ саноат корхонаси, 72 та маданий-маърифий, кўпдан-кўп давлат муассасалари ва бошқа иморатлар вайрон бўлди ёки шикастланди. Шаҳар 2,3 миллион квадрат-метр турар жой майдонидан маҳрум бўлди. Мамлакат барча жумҳуриятлари халқларининг яхши нияти, иродаси ва меҳнати билан қаддини ростлаб олган ҳозирги кўркам Тошкент дўстлик ва бирлик, совет байналмилалчилиги қудратли кучининг яққол далилидир.

Тошкент зилзиласининг 25 йиллигига ва шу аянчли кун юбилейи билан боғлиқ тантаналарга бағишлаб журналистлар билан ўтказилган суҳбатда шулар ҳақида гапирилди. Суҳбатда журналистлар билан бир қаторда Тошкент шаҳар ижроия комитетининг, партия ва Совет органларининг масъул ходимлари ҳам қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

МЕҲНАТ. МАСЪУЛИЯТ. ЖИПСЛАШИШ

СССР Бош вазири В. С. ПАВЛОВнинг 22 апрель куни СССР Олий Кенгашида қилган маърузаси

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Сизнинг эътиборингизга иқтисодиётни тангликдан олиб чиқиш ҳаракат дастури тақдим этилган. У ягона мақсадга бўйсундирилган тадбирларни — ишлаб чиқариш жараёнларини зудлик билан нормаллаштириш, молиявий аҳвол ва пул муомаласини соғломлаштириш, аҳолининг турмушини таъминлаш манфаатлари йўлида ижтимоий кафолат системасини яратиш тадбирларини ўз ичига олган. Тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш ва якка ҳокимликдан ҳоли қилиш, ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтириш бозор сари шитоб билан бориш йўлидаги ана шу вазифаларни ҳал этишнинг асоси деб қаралмоқда.

Дастурда ҳукумат фаолиятининг иқтисодиётни структуравий қайта қуриш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга доир стратегик йўналишлари ҳам кенг ўрин олган.

Ташкилий ва давлат қурилиши масалалари жиҳатидан марказ билан жумҳуриятларнинг янги муҳитдаги ўзаро алоқаларига асосий ўрин берилган. Бу тангликка қарши дастурни рўёбга чиқаришнинг энг муҳим шартидир.

Дастур СССР Олий Кенгаши комитетлари ва комиссияларида ҳамда унинг палаталарида, жамоат ташкилотлари, уюшмалар ва бирлашмалар, илмий муассасаларнинг вакиллари билан учрашувларда, шунингдек, жумҳуриятлар ва давлат бошқаруви идораларида ҳам катта эътибор билан кўриб чиқилди ва муҳокама қилинди. Шу сабабли менга маърузада фақат энг муҳим принципиал масалаларни тилга олишга рухсат бергайсиз.

Мен, аввало, бир нарса, амалда барча кишилар сўраётган масала хусусида — мамлакатимизда нима рўй берди, деган савол устида тўхташни зарур, деб ҳисоблайман.

Бу саволга жавоб битта — вазиятни фақат умумий таназзул сифатидагина таърифлаш мумкин. Хўш, унинг асосий кўринишлари ва миқёслари қандай?

Биринчи. Ишлаб чиқаришнинг пасайиши кучайиб бормоқда, у кенг қамровли тус олмоқда. Агар 1990 йилда миллий даромад 4 фоиз, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш эса 1,2 фоиз қисқарган бўлса, шу йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткичлар тегишли тарзда 10 ва 5 фоиз камайди. Таназзул оғир саноатдан халқ учун моллар ишлаб чиқарувчи соҳаларгача бориб етди. Январь — март ойларида у 3 фоиз, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2 фоиз, енгил саноат моллари 8 фоиз камайиб кетди.

Сиз биласизки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш таназзули муттасил тусга кирган. Мамлакатимиз ўн йиллар мобайнида аҳолини боқа олмаяпти. Ҳатто ўтган йили рекорд даражада дон ҳосили йиғиштириб олинганига қарамай, чет эллардан галла сотиб олишга мажбур бўлдик. Бир қанча йиллар мобайнида ҳар етти килограмм сариёғнинг бир килограммини, ҳар уч килограмм ўсимлик ёғининг бир килограммини, ҳар икки-уч килограмм шакарнинг бир килограммини чет элдан олиб келяпмиз.

Ҳозир бу ёғниннинг янада кенг тарқалиш хавфи бор. Биринчи чоракда қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти 13 фоиз камайди. Чорвачилик маҳсулотлари асосий турларини ишлаб чиқариш 8—12 фоиз қисқарди, яъни, 1987 йил даражасига тушиб қолди. Агар бу жараён тўхтатилмаса, у 1983 йил кўрсаткичларига тушиб қолиши мумкин. Ваҳолонки, шу даврда аҳоли сони тахминан 20 миллион киши кўпайди.

Иккинчи. Халқ хўжалигининг ниҳоятда бузилиб кетган тузилмалари уни истеъмолчилар эҳтиёжига тезда қайта йўналтириш имконини бермай қўйди. Кейинги йилларда кўрилган тадбирларга қарамай, саноат маҳсулоти умумий ҳажмида истеъмол ашёларининг ҳиссаси ҳали ҳатто учдан бир ҳиссага ҳам етмаяпти. Хизмат соҳаси эса ялпи миллий маҳсулот умумий ҳажми жиҳатидан атиги 20 фоиз бўлмоқда.

Учинчи. Ишлаб чиқариш таназзули молия-кредит системасидаги таназзул билан бирга давом этмоқда ва чуқурлашмоқда. СССР Молия вазирлигининг ҳисоб-китобларига қараганда, жами бюджет камомади бу йил 200 миллиард сўмни ташкил этиши мумкин, бундай аҳвол мавжуд давлат ички қарзи 540 миллиард сўмдан ортиқ бўлган бир пайтда юз бериши кутилмоқда. Бу ишлаб чиқариш қисқараётган шароитда жуда хавфлидир.

Бугунги кунда молия соҳасидаги ҳалокатли аҳвол марказ билан жумҳуриятлар молия сиёсатида бирликнинг йўқлиги, якка ҳокимликка қарши кураш байроғи остида ягона молия-кредит системасидаги тартиб амалда йўқ қилинганлиги билан боғлиқдир. Бир қанча жумҳуриятлар тузилган иқтисодий битимга қарамай, Иттифоқ эҳтиёжига маблағ ўтказишдан бош тортмоқдалар. Биринчи навбатда ўз эҳтиёжлари қондирилмоқда, умумхалқ эҳтиёжларига эса маблағ қолмаяпти. Натижада биринчи чоракда Иттифоқ бюджетига режалаштирилган даромадларнинг 40 фоиздан камроғи тушди, унинг қамомади эса чорак йил натижаларига кўра, бир йилга белгиланган энг юқори миқдордан ҳам ошиб кетди. Жумҳуриятларнинг ўзида ҳам шундай жараёнлар ривожланиб бормоқда.

Агар бундай аҳвол сақланадиган бўлса, умумхалқ ва жумҳурият аҳамиятига молик жуда муҳим ижтимоий, экологик ва ишлаб чиқариш дастурларини пул билан таъминлаш барбод қилинади.

Молия соҳасидаги таназзул пул муомаласи бузилиши давом этишини, сўмнинг қадрсизланишини, аҳоли ҳам, корхоналар ҳам сўмга ишонмай қўйишини кучайтираётган энг асосий сабабдир.

Тўртинчи. Валюта таназзули нефть ва бошқа энергия манбаларини қазиб олиш ҳажми, шунингдек, уларнинг жаҳон бозорларидаги нархи ва айни вақтда экспорт тушумлари пасайиб кетди. Лекин мамлакатимизнинг чет эллардан олинадиган молларга, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил саноат буюмлари, автомобиль ва тракторсозлик учун керакли материалларга қарамлиги сақланиб қолди. Мамлакатимиз хорижий қарз берувчиларга қарам бўлиб қолди.

Ўтган йили савдо-сотиқ натижаларига кўра, деярли барча мамлакатларга, ҳатто Шарқий Европадаги, Чехословакия, Венгрия, Югославияга қарздор бўлиб қолдик. Бугун уларга ҳам эркин муомаладаги валюта билан тўлаш керак.

Лекин, бир умр қарз олиб яшаб бўлмайди. Қарзни тўлайдиган вақт келди. Агар 1981 йилда ташқи қарзни ва унга тўланадиган муздни қоплаш учун эркин муомаладаги валюта билан 3,8 миллиард сўм сарфлаган бўлсак, бу йил 12 миллиард сўм қарз тўлашимиз зарур. Ички нархлар даражаси ҳисобига олинадиган бўлса, бу қарийб 60 миллиард сўмни йўқотиш билан тенг.

Буларнинг ҳаммаси иқтисодий таназзул кўринишларидир. Лекин миллатлараро муносабатларнинг мисли кўрилмаган даражада ўткирлашгани, жиноятчилик авжига чиққани, маънавийлик ва маданият таназзулга йўлиқкани ҳақида ҳам гапирмаслик мумкин эмас.

Хўш, мамлакат турмушининг барча соҳаларини қамраб олган бу хасталикнинг сабаблари нимада?

Энг асосий сабаб шундаки, биз мамлакатимизни ривожлантиришнинг эски, анъанавий манбалари ва фаровонлиги тугаб бораётганини ўз вақтида кўра билмадик ва тушуна олмадик, ҳарбий соҳада бутун Ғарбга қарши туриш учун фойдаланаётган унинг улушига эса тобора кучимиз етмай қоляпти...

Айни вақтда барча илғор мамлакатлар 60-йилларнинг ўрталаридаёқ ресурсларни тежашга фаол киришишган ва фан-техника тараққиётига, информатикага асосий эътиборни қаратишган, биз эса экстенсив йўлдан ривожланишни давом эттираверган эдик. Янги ва янги ресурсларни жалб этиш ҳисобидан ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтирдик, табиат бизга берган эҳсонларни, боболаримиз ва оталаримиз тўплаган нарсаларни еб битирдик, «Бағдодда ҳамма ёқ тинч» қабилида иш тутдик.

Миллий бойликка нисбатан бундай ёвузларча муносабатнинг натижалари ўз таъсирини ўтказа бошлади. Аввалига аста-секин, энди эса, айтиш мумкинки, вулқонга ўхшаб таъсир қила бошлади. Фақат кейинги икки йилда кўмир қазиб олиш, иш ташлашларни ҳисобга олмаганда 69 миллион тонна, нефть қазиб олиш 53 миллион тонна, ёғоч тайёрлаш 50 миллион кубометр камайиб кетди. Хўш, қайси бир иқтисодиёт бундай зарбага чидайди?

Ҳатто хом ашё ресурсларидан фойдаланишнинг жаҳон амалиётидаги ўртача даражаси асосий муаммоларни тугатишга имкон беради. Лекин технологияларнинг ниҳоятда қолоқлиги, ишлаб чиқариш ускуналарининг ишдан чиққани бунга имкон бермайди. Ўтган беш йилликда асосий ишлаб чиқариш фондларининг ишдан чиқиши 38 фоиздан 41 фоизга ортди. Саноат ускуналарининг амалдаги хизмат муддати нормадагидан 2 баравар ортиқдир.

Кўпгина корхоналардаги меҳнат шароитининг ниҳоятда қониқарсизлиги, сифатнинг пастлиги, тобора кучайиб бораётган экология таназзули бунинг сабабларидир. Уларни бартараф этиш учун кўпроқ маблағ талаб этилади, худди шу маблағ эса ҳатто ишлаб чиқаришнинг ўзини сақлаб туришга ҳам етмаяпти.

Охир оқибатда технология қолоқлиги — валюта таназзулининг ҳам асосий сабабидир. У экспорт ва импорт тузилмаларини қайта қуришга, жаҳон бозори тамойиллари ва эҳтиёжларидан самарали фойдаланишга имкон бермайди.

Қайта қуриш чоғида иқтисодий сиёсатда ҳам кўпгина хатолар қилинди. Бу хатоларнинг энг каттаси — амалий ишларни, туб заминли ҳаракатларни пайсалга солишдир, бунда ҳамма нарса ихтиёрий бўлади, деб умид қилинган эди, шу сабабли ҳаракатларнинг зарур изчиллиги бузилди. Халқ маъқулламай кутиб оладиган чора-тадбирларнинг ҳаммаси кўп деганда намоён бўлган, сўнгра ҳамиша пайсалга солинган эди. Олдин экин экиб, сўнгра ерни ҳайдаш мумкин эмас. Мисол учун нарх белгилашни ислоҳ қилишни олиб кўрайлик. Бу масала ўн йилдан кўпроқ муҳокама қилинди. 1982 ва 1987 йилларда қарорлар қабул қилинган ва амалий тайёргарлик ишлари олиб борилган эди. Лекин бу ислоҳот нима учун яна кечиктирилганлиги ёдингизда бўлса керак.

Ислоҳотни пайсалга солиш юзаки қарагандагина халқ манфаатига мос келади. Аслида эса — бу меҳнатга ҳақ тўлашдаги текисчиликни сақлаб қолишдир. Чунки қанчалик олижаноб мақсадни кўзлаб бўлса ҳам кимлардагидр дотация тўлаш учун кимларнингдир меҳнатига камроқ ҳақ тўлашга тўғри келади. Иш нормасини қисқартиришга, ишга тўланадиган ҳақни камайтиришга тўғри келади. Ахир бошқа йўл йўқ. Дотация тўлаш қўламлари нархларнинг ўзидан бир неча баравар ошиб кетгандан кейин эса ишлаб чиқарувчининг маҳсулот тайёрлашни кўпайтиришдан заррача манфаатдорлигича, унинг меҳнатга ҳурмат билан муносабатда бўлишига умид қилиб бўлмайди. Иқтисодиётга дахлсиз мажбур қилиш, содда қилиб айтганда, қўрқув ўтиб кетгач натижа фақат меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг қисқаришидан иборат бўлади, бинобарин, биз ҳам худди шундай натижага эришиб турибмиз.

Ислоҳотни пайсалга солиш нархлар даражасидаги номутаносибликни тобора кучайтираверди, касалликни авж олдираверди. Натижада шу йилнинг апрель ойида нарх белгилашни ислоҳ қилиш жуда қимматга тушди, агар бу ислоҳот ўз вақтида ўтказилганда эди, у анча енгил кўчарди. Чунончи, 1987 йилда мол гўшти нархи 4 сўм 50 тийин белгиланган эди, ҳозир эса 7 сўм деб белгилаб қўйилди. Бу ҳам кам. Болтиқбўйи жумҳуриятлари, Грузия ва бошқа жумҳуриятлар гўшт етиштиришнинг ҳамма сарф-харажатларини қоплаб 1 килограмм мол гўшти нархини ҳатто 11—12 сўм деб белгиладилар.

Жамият нарх белгилаш ислоҳотига салбий муносабат билдирди. Лекин очиғини айтадиган бўлсак, ислоҳотга бошқача муносабатни ким ҳам кутган эди? Ҳар бир кишининг, ҳар бир меҳнат жамоасининг, ҳар бир минтақанинг моддий манфаатларига дахлли бўлган муаммо осонликча ҳал бўлмайди. Бунинг устига нархлар даражасида жуда катта номутаносиблик юз берган ва деярли ҳамма нарса тақчил бўлиб қолган бизнинг шароитимизда бу муаммони осон ҳал қилиб бўлмайди. Бошқа йўл йўқ эканлигига қатъий ишончимизгина ислоҳот учун бутун масъулиятни ўз зиммамизга олишга далда берди.

Ҳозир ҳар томондан ҳукумат аҳолининг чўнтагига тушди, нарх ислоҳотининг ҳамма оғирлигини аҳолининг зиммасига юклаб қўйди, деб исботлаб беришга урунмоқдалар. Бу гаплар ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди.

Биринчидан, кўп марта такрорлаганимдек, 1990 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига мўлжалланган нарх оширилишидан қўшимча тушумларнинг 85 фоизи компенсация тўлашга ва ноишлаб чиқариш тармоқларида иш ҳақини оширишга ажратилди. Амалда ишлаб чиқариш қандай аҳволда эканлигини сизларга айтиб ўтдим. Ҳолбуки, тўловлар жон бошига берилади. Шундай экан, гап нима ҳақида бўлиши мумкин. Ҳамма жумҳуриятларда компенсация харажатлари нархлардаги тафовутдан тушадиган даромадлардан ошиб кетмоқда, дейишаётгани тасодифий эмас.

Иккинчидан, нархлардаги тафовутларни оладиган барча республикалар компенсация миқдорини Иттифоқ кафолат берган даражага нисбатан ошириши мумкин. Ҳамма корхоналарга ҳам ана шундай ҳуқуқ берилган. Бинобарин, меҳнат қилиш ва ишлаб пул топиш керак. Биз эса тарки одат амри маҳол деганларидек, яна талаб қиляпмиз. Ким пул берса яхши-ю, пул бермаса ёмон экан-да! Ахир, берадиган пулнинг ўзи йўқ. Бу алдашдан бошқа нарса эмас.

Аҳолининг турли табақаларида компенсация уларнинг нарх-наво оширилганлиги муносабати билан қўшимча харажатларини бир хил даражада қоплай олмаслигини биз биламиз, албатта. Бу ҳақда, жумладан, шу залда рўй-рост гапирилди. Сўнгги текширишлар шуни кўрсатдики, жон бошига ойига 75 сўм даромад тўғри келадиган оилаларда қўшимча харажатлар 118 фоиз, даромади 200 сўмдан ортиқ оилаларда фақат 40 фоиз қопланган. Нархни ислоҳ қилишга тайёргарлик чоғида ҳукумат аҳолининг айни шу қашшоқ табақалари турмуш даражасини қўллаб-қувватлашни ўзининг бош вазифаси деб ҳисоблаганини ҳеч қачон яширган эмас. Бошқалар учун, умуман мамлакат учун ҳам асосий йўл — ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва шу асосда даромадларни оширишдан иборат. Бўлмаса минбарлардан туриб биз қандай бозор ҳақида мулоҳаза юритяпмиз, ўзимизда ва чет элларда ўтаётган симпозиум ва матбуотда қандай чуқур маъноли хулоса чиқаряпмиз? Кийимлар қисқичига нарх белгилаш тўғрисида Бош вазир кўрсатма берадиган бозор ҳақида мулоҳаза юритяпмизми? Бир неча кун олдин телевиденинг Москва программаси орқали торт ишлаб чиқарадиган цехни кўрсатишди. Қандолатчи қизлар маҳсулот тўпланиб қолганлиги, 11 сўм нарх қўйилган тортларни ҳеч ким сотиб олмаётгани ҳақида ғазабланиб гапиришди. Бунинг натижасида цех ярим кун бекор туриб қолмоқда, иш ҳақи камайиб 240 сўмдан 100 сўмга тушиб қолди. Хўш, бундан қандай хулоса чиқади. Хулоса шуки, Павлов айбдор! Чамаси, ўз ишини яхши биладиган ўша тележурналист нима учун шундай оддий саволни бермади: сизларга нархни ким белгилаб берган, нархни пасайтиришга ким тўсқинлик қиляпти? Ўзингиз эмасми? Ҳақиқий бозор шароитида бундай корхона хонавайрон бўлиши турган гап.

Эътиборингизни бу масалага атайлаб қаратяпман, чунки СССР Иттифоқи ҳукумати ҳозир келишувчилик вариантларини танлаб олар экан, унга мислсиз тазйиқ ўтказилмоқда. Бир томондан умумий аҳднома мавжуд, иккинчи томондан — улгуржи, харид ва чакана нархларни камайтиришни, ҳатто эски нархларни қайтаришни талаб қилиб кескинликни авж олдиришяпти. Ҳамма айбни Марказнинг зиммасига юклаш ниятида нарх белгилаш сиёсатини атайлаб бузиб кўрсатиш ҳоллари ҳам бўляпти.

Нарх ислоҳотини тайёрлаётиб ва уни жумҳуриятлар билан келишиб олаётганимизда ҳозир квартира ҳақини, коммунал хизматлар нархини, шаҳар транспортида кира ҳақини ҳозирча оширмаслик керак, деб ҳисоблаган эдик. Айрим минтақалар бу фикрга қўшилмадилар ва ана шу нархлар ва тарифларни оширдилар. Бу ишни, чунончи ҳаммомларда, сартарошхоналарда тўловларни, Москва метросида юрганлик учун тўловни нима учун 2 апрелдан бошлаб оширишди, бу қизиқ савол, лекин асосий масала эмас. Энг асосийси шундаки, бу нархлар ва тарифларнинг оширилиши компенсацияда ҳисобга олинмаган ва олиниши ҳам мумкин эмас эди, шу сабабли қўшимча норозилик келтириб чиқарди. Ҳолбуки, шу ўринда аниқ қоида амал қилиши лозим: нархни ким оширган бўлса аҳолини ёки унинг айрим табақаларини ижтимоий ҳимоя қилишни ўшанинг ўзи таъминлашга мажбур. Завод ва талабалар ошхоналаридаги вазиятни ким келтириб чиқарди? Ахир, бу масала муҳокама қилинган, олдиндан шундай бўлиши сезилган ва ҳал этилган эди-ку. Карам шўрва нархига компенсация тўлаш ҳақида Кремлдан кўрсатма берилмаслиги ҳаммага равшан. Нима учун Лихачев номли завод ва бошқа заводлар ошхоналарида овқат нархи оширилганлиги учун компенсация белгилаб қўйишди-ю, Минскда бундай қилишмади? Менимча, Иттифоқ ҳукумати қандайдир бошқа мақсадларга эришишга тўсқинлик қилаётганлиги учун унга салбий муносабатни вужудга келтириш учун барча воситалардан фойдаланишга уриниб, айрим жойларда одамларни, менимча, онгли равишда чалғитишяпти.

Ҳозир нарх ислоҳоти ва аҳоли ижтимоий ҳимояси системасининг айрим қоидаларини аниқлаш юзасидан меҳнат жамоаларидан, жамоат ташкилотларидан ҳукуматга жуда кўп амалий мурожаатлар ва таклифлар келмоқда. Бу масалаларни шошилинч равишда ҳал қилиш учун Бош вазир ўринбосари ўртоқ Шчербаков раҳбарлигида марказий иқтисодий идораларнинг масъул ходимларидан махсус гуруҳ тузилди.

Ҳар ҳолда биз нарх белгилашни ислоҳ қилишнинг дастлабки ва менимча, энг қийин босқичидан ўтдик. Ҳозирги пайтда бу соҳадаги энг асосий иш табобат ходимларининг қоидасига амал қилиб, ишга зарар етказмасликдир. Нарх тўғрисидаги масалага яна қайтмаслик учун шуни айтаманки, дастурда ҳукуматнинг тутган йўли жуда очиқ ифода қилиб берилган — аҳоли даромадларини индекслаб, иқтисодиётнинг барча соҳаларида нархларни эркинлаштириш йўлидан изчиллик билан боришни таклиф қиламиз. Бу осон бўлмайди. Аҳолининг ҳамма қатламлари ҳам ўз-ўзидан даромадига қўшимча ололмайди. Биз буни очиқ айтяпмиз.

Дастуримизда ижтимоий кафолатлар системаси тўғрисидаги катта бўлим бор. Биз ўтмиш даврида жамиятнинг ижтимоий чиқимларини мумкин қадар камайтиришни, бозор шароитига кўникиш жараёнларини енгиллаштиришни ғоят муҳим деб ҳисоблаймиз. Лекин бизнинг ҳар бир қароримиз ресурсларни, фақат сўмни эмас, балки энг муҳими, моллар билан қоплашни талаб этади. Пенсиялар ва стипендиялар кўпайтирилса-ю, уларга ҳеч нарса сотиб ололмасанг бундан нима фойда?!

Шу сабабли биз имкониятларимизни чамалаб кўрдик, ишларнинг ҳақиқий аҳволига берилган баҳога асосландик. Фақат шу асосдагина давлат кафолатларининг, ваъда эмас, балки кафолотларнинг энг кам даражасини белгилаш мумкин.

Кўрпангга қараб оёқ узат, деган мавзу дунё каби қадимийдир. Лекин биз бу қонунни ҳали ҳам ўзлаштирганимиз йўқ. Иш ҳақини ошириш, пенсия ва нафақаларни кўпайтириш, отпусклар давомийлигининг янги муддатларини шошилинч жорий этиш ҳақидаги талаблар қайта-қайта эшитилмоқда. Бу талабларни бажариш учун қанча маблағ кераклигини, уни қаердан излаш лозимлигини ҳеч ким гапирмаяпти. Ишқилиб одамлар эшитса бўлгани: «Мен сизлар билан, мен халқ тарафидаман» деб бақиришяпти. Пештахталар ҳувиллаб турган, сотувчилар, механизаторлар, бошқа асосий касб меҳнатчилари етишмаётган шароитда иш кунини ҳамда пенсияга чиқиш учун стажни қисқартириш қаёққа олиб боради? Илгари енгилгина ишлар ва ишлайдиган ходимлар — «учарлар» бор эди, эндиликда эса бутун-бутун заводлар «бахайр ерларни» ишлашга тушдилар.

Иқтисодий ўзгартишларни амалга оширишда изчилликнинг йўқлиги халқ хўжалигининг бошқарилишига путур етказди. Хўжалик алоқалари узила бошлади, мустақил хўжалик юритишга интилиш, тангликни ёлғиз бартараф этишга уриниш кучайди. Натура айирбош қилиш авж олиб кетди. Минтақалар ўртасида маҳсулотлар ва моллар ҳаракатида чегара барпо этилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси пировардида тағин ҳам кўпроқ зарар етказди. Биз марказлаштириш, ихтисослаштириш ва кооперациялаш, ҳудудий меҳнат тақсимоти, ягона бозор доираси имтиёзларини йўқотдик.

Миллатлараро можаролар, иқтисодий ва сиёсий иш ташлашлар мамлакатни ларзага соляпти. Ҳаёт таъминоти системасидаги ҳар қандай қўшимча узилиш оммавий тус олиб халқ хўжалигига ўнглаб бўлмайдиган зарар етказаётган шароитда шундай бўлмоқда.

Баъзи рақамларни келтириб ўтишга рухсат бергайсиз: март ойида кўмир қазиб чиқариш — 13 фоиз, коксланадиган кўмир қазиб чиқариш — ундан бир баравар камайди. Шу муносабат билан халқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бевосита камайиши бир ойда 1,4 миллиард сўмни, ёндош тармоқларни ҳам ҳисобга олганда 4 миллиард сўмликдан кўпроқни ташкил этади. Агар иш ташлашлар тўлқини тўхтатилмас экан, камайтириб ҳисоблаганда ҳам бир йилда салкам 50 миллиард сўмдан маҳрум бўламиз. Апрель ойини ҳам ҳисобга олиб қилинган бундан умидсизроқ баҳолар ҳам бор — бир йилга ҳисоблаганда шу баҳоларга кўра 100 миллиард сўмдан маҳрум бўламиз. Аммо қанчалик ёмон бўлса, шунча яхши деб ҳисоблаётган одамлар ҳам бор. Кимга ёмон бўлса? Энди ҳеч қандай сир йўқ. Ҳеч бўлмаса, анчадан буён комсомолга хос бўлмай қолган «Комсомольская правда»га назар солинг.

Шахтёрларнинг иш ташлаши тармоқ ва минтақа доирасидан четга чиқиб кетди. Ҳозир бу иш ташлашлар бутун мамлакатга ғоят салбий таъсир ўтказмоқда. Шугина эмас, жаҳон ҳамжамияти уларни ташвишланиб кутиб турибди.

Францияда чиқадиган «Трибюн де л'экспансьон» газетаси бундай деб ҳисоблайди, айнан келтираман: «Совет Иттифоқи келажагининг ноаниқлиги жаҳоннинг бошқа қисмида қазилма саноат тараққиётининг бутун стратегиясини шубҳа остига солиб қўяди». Биз иқтисодий талабларни ҳал этиш йўлларини белгилаб олдик. Шахтёрлар, касаба уюшмалари умумий конфедерацияси билан битим имзоладик. Буёғига тартиб бўлиши зарур, қонун амал қилиши лозим.

Иқтисодиётда юз берган аҳволни ўнглаб олиш учун нималар қилиш зарур?

Бу хусусда кўпгина мулоҳазалар бор, лекин уларнинг ҳаммаси ўз моҳияти жиҳатидан икки хил.

Биринчиси — дарҳол эски маъмурий-буйруқбозлик системасига яхшиси тўлатўкис қайтиш.

Бундай таклифлар истиқболсиз эканлигини исботлашга ҳожат йўқ, чунки мамлакатимиз тушиб қолган тангликни ўша система вужудга келтирган.

Иккинчи ва бирдан-бир тўғри мулоҳаза — ишлаб чиқариш муносабатларининг ижтимоий жиҳатдан бозор хўжалигига қаратилган мутлақо янги системасини барпо этиш. Бу ҳуқуқий демократик давлатни, мустақил жумҳуриятларнинг янгиланган федерациясини барпо этиш йўлидир. Мамлакатимиз туб иқтисодий ислоҳот йўлига, жамиятимизнинг давлат ва сиёсий тузилишини тубдан ўзгартириш йўлига чиқиб олиб айни шу йўлдан ҳаракат қилиши керак.

Лекин мана шу ягона тўғри йўналишда ҳам воқеалар ривожининг жуда кўп турли вариантлари бўлиши мумкин. Ана шу хилма-хил вариантлар орасида учтасининг эҳтимоли кўпроқ.

Биринчиси. У тангликка қарши ҳеч қандай махсус чоралар кўрмасликка асосланади. Мамлакатдаги иқтисодий жараёнлар амалдаги усуллар билан бошқарилади, ижтимоий-сиёсий вазият эса кучлар ва манфаатларнинг замонавий баланси ва уларнинг жойлашиши, уларнинг амалий ҳаракатлари негизида таркиб топган тамойилларга мувофиқ ривожланаверади.

Бундай вариантда миллий даромад бир йилда тахминан 20 фоиз камайишини ҳисоблаб чиқдик. Бинобарин, йилнинг охиригача қолган 9 ойда миллий даромаддаги йўқотишлар 23-25 фоизга етади. Саноатнинг бир қанча тармоқларида ва асосан унинг ишлаб чиқарадиган тармоқларида ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолиши ва узилиши муқаррардир. Бундай улкан таназзулда биз аҳволни 1992 йилнинг охирида ҳам барқарорлаштиришга муваффақ бўла олмаслигимиз мутлақо равшан.

Хўжалик алоқаларининг, ишлаб чиқариш интизомининг бузилганлиги, кучайиб кетган иш ташлаш ҳаракати саноат ишлаб чиқариши ҳажмини камида 20 фоиз камайтириб юборади, деб баҳоланмоқда. Жамғарма фонди ва халқ хўжалигига сармоя сарфлаш сезиларли равишда қисқаради. Бунинг устига ана шундай камайиш қишлоқ ва ижтимоий соҳага жиддий равишда дахлли бўлади. Биз уй-жойларни, касалхоналарни, мактабларни, йўлларни қура олмай қоламиз.

Мамлакатда жон бошига моддий неъматларни истеъмол қилиш даражаси энг кам деганда 15-20 фоиз камайиб кетади. Асосий зарба давлат корхоналари ва муассасаларида ишлаётганларнинг, аҳолининг яхши ҳимоя қилинмаган табақалари: пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали оилалар бошига тушишини тушунтиришга ҳожат бўлмаса керак. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, бунда турмуш даражаси йилнинг охирига бориб деярли тўртдан бир баравар пасайиб кетиши мумкин. Бундай шароитда аҳолининг ана шу табақаларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг мутлақо иложи йўқ. Бунинг учун молиявий ресурслар ҳам, моддий ресурслар ҳам йўқ.

Ишлаб чиқаришнинг оммавий тўхтаб қолиши оғир оқибатларни келтириб чиқаради, бу эса ишсизлик авж олишига олиб келади. 18 миллионга яқин одам тирикчилик ўтказишга пулсиз қолади. Бу аҳволда календарь йили тугамасдан анча олдиноқ социал-ижтимоий портлаш юз беради, десам хато қилмасам керак.

Иккинчи вариант иқтисодиётга давлатнинг аралашишидан бутунлай воз кечишга ҳамда фақат бозор муносабатларига жадаллик билан ўтишга асосланган. Бу вариантнинг тарафдорлари бозорнинг шафқатсиз қонунларининг ўзи вазиятни ўнглаб олади, хўжалик алоқаларини изга солади, иқтисодиётнинг юксалишига олиб келади, деб умид қилмоқдалар. Шундай йўл бўлиши мумкин, лекин у дастлабки босқичда ишлаб чиқаришда тағин ҳам кўпроқ таназзулни келтириб чиқаради, корхоналарнинг ёппасига ёпилиши ва ишсизликка, нарх-навонинг беҳад қимматлашишига ва аҳоли кўпчилигининг қашшоқланишига олиб келади. Ўз-ўзидан, тайёргарликсиз бўладиган бозор шароити жамиятга жуда қимматга тушади. Бундай шароитда оммавий ғалаёнлар, иш ташлашлар, қирғинлар, жамоат итоатсизлиги муқаррардир.

Экспертларнинг баҳолари ва ишлаб чиқариш ҳисоб-китоблари шуни кўрсатмоқдаки, бу вариантда миллий даромад ва саноат ишлаб чиқариши ҳажми бу йил камида 30 фоиз қисқаради, ишсизларнинг умумий сони эса салкам 30 миллион кишини ташкил этади. Бундай маҳрумликларнинг миқёсларини тасаввур қилиш ва аҳолининг унга салбий муносабатини баҳолашнинг иложи йўқ.

Ниҳоят ечимнинг биз танлаб олган варианти. Айни шу вариантни биз сизнинг кўриб чиқишингиз учун ҳаракат дастури тарзида тақдим этганмиз. Бу қатъий, айтиш мумкинки, жуда қаттиқ, лекин изчил чора-тадбирлар кўриш йўлидир. Бу чора-тадбирларни амалга ошириш ҳукумат фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлади. Биз ишга солишимиз мумкин ва лозим бўлган асосий резерв айни мана шундадир. Буни қандай амалга ошириш мумкин? Аввало маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни эркин қилиш ва уларнинг рақобати орқали, ишбилармонликни ривожлантириш, бозорнинг таъсирчан воситаларини ишга солиш орқали буни амалга ошириш мумкин.

Бу эса, ўз навбатида, мулкчиликни тубдан ўзгартиришни тақозо этади. Ниҳоят ишлаб чиқариш воситаларининг ҳақиқий хўжайини бўлиши керак. Биз одамларда хўжайинлик туйғусини тарбиялаш тўғрисида жуда узоқ вақт ва кўп гапирдик. Ишончим комилки, одамларни тарбиялаш эмас, балки уларни ҳақиқий хўжайинга айлантириш ва шу асосда иқтисодиётимиз самарадорлигини тубдан ошириш зарур.

Муаммони ана шундай тушунишга мувофиқ равишда дастурда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга доир тадбирлар мажмуи кўзда

(Давоми учинчи бетда).

тутилган чоралар танглик вазиятига мос бўлиши лозимлигига асосланамиз.

Шу муносабат билан айтишим керакки, кучли давлат ҳокимияти бўлмаса, туб иқтисодий ислоҳот амалга ошмай қолаверади. Лекин гап ўзбошимчалик тўғрисида эмас, балки дастурни бажаришнинг қонуний усуллари ва қонун ҳақида бормоқда. Шу жиҳатдан қараганда, биз учун тартиб ва интизом сув ва ҳаводек зарур. Ҳукумат барча демократик кучлар розилиги асосида тартиб ва интизом тикланишига ҳаракат қилади. Бўшашувчилик ва сусткашлик бизга жуда қимматга тушиши мумкин.

Тақдим этилган дастурда кам бўлсада ҳукумат давлат йўли билан мажбур этиш усулларини қўлламоқчи бўлган бир қанча аниқравшан ҳолларни топиш мумкин. Баъзи бировлар ана шунга асосланиб дастурда ҳатто ҳарбий коммунизм усулларига таянилган, демоқдалар.

Тақдим этилган дастурга холисона ёндошиладиган бўлса, маъмурий қарорлар асосан ташкилий тусда эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Улар фақат вазиятни барқарорлаштириш учунгина зарур.

Тўғри, биз сиёсий иш ташлашни тақиқлаб қўйишга ошкора даъват этяпмиз. Ҳа, биз иш вақтида митинг ўтказишга қатъиян қаршимиз. Иш ташлаш комитетларининг барча иқтисодий талабларини, жумладан, бу комитетларни давлат ҳисобида сақлаб туриш ҳақидаги талабини бирданига ҳал этиш учун маблағимиз йўқ. Ҳар қандай янги ҳукуматда ҳам бундай маблағ бир дақиқада пайдо бўлиб қолмайди. Ҳозир қимматли иш вақти қанча кўп беҳуда ўтса, биз қарз ботқоғига шунча тез сирғалиб тушаверамиз. Бизнинг таклифларимизга ана шу нуқтан назардан қарамоқ керак. Одамларнинг ишлашига йўл қўймаётган, дўқ-пўписа, алдаш ёки тўғридан-тўғри зўравонлик қилиш билан ишлаб чиқаришни барбод этаётган, гўё халқ манфаатлари учун курашаётган, аслида эса одамларни турмуш кечириш учун маблағдан маҳрум қилаётган кишилар қандай лавозимни эгаллаб турганликларидан қатъи назар қонун олдида ва виждон олдида жавоб беришлари керак.

Бу чораларни ҳамма ҳам қўллаб-қувватлайвермайди, албатта. Ҳукуматни меҳнаткашларнинг ҳуқуқига ҳужум қилишда, диктаторлик нафсониятида айбловчилар ҳам топилса керак. Мен бу тадбирларни демократияни бўғиб ташлаш деб баҳолайдиган одамларга мутлақо қўшилмайман. Бизнинг бундай мақсадимиз йўқ!

Интизомсиз демократия табиатда умуман бўлмайди. Қаердаки, интизом ва тартиб бўлмаса, у ерда фақат тартибсизлик ҳоким бўлади. Биз буни гўёки тушунмаётган, эҳтиросларни атайлаб авж олдиришга, нифоқ

МЕҲНАТ. МАСЪУЛИЯТ. ЖИПСЛАШИШ

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

тутилган. Бу масалада ҳукуматнинг фикри ҳаммага маълум. У сизлар биринчи муҳокамада қўллаб-қувватлаган тегишли қонун лойиҳасида акс этган. Шу сабабли комиссиялар ва комитетларда, олимлар, жамоат уюшмалари, мутахассислар билан учрашувларда ҳукумат ҳаракат дастурини муҳокама қилиш чоғида ўртага қўйилган энг ўткир масалаларгагина тўхталиб ўтмоқчиман.

Энг аввало биз айрим кишилар тасаввур этаётганидек, ишлаб чиқариш воситаларига давлат мулкчилигини тўла-тўкис тугатиш вазифасини қўймаётганимизни таъкидламоқчиман. Ғарб мамлакатларида ҳам бундай эмас. Бунинг устига биздаги тегираларни, коллективизм анъаналарини ва давлатчиликни ҳисобга оладиган бўлсак, бундай ёндашув мутлақо номақбулдир. Шу билан бир вақтда биз бозор иқтисодиётига ўтиш учун давлатга қарашли бўлмаган муайян миқдордаги мустақил корхоналарни барпо этиш зарурлигига асосланамиз. Бу корхоналар ўзини ўзи ривожлантириш ва бошқаришнинг бозор воситаларини ҳаракатга келтиришни таъминлаши керак.

Дастлабки пайтларда савдо, умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг анчагина қисмини, саноат ва бошқа соҳалардаги кичик корхоналарни ўз ичига оладиган кичик хусусийлаштириш деб аталган хусусийлаштиришни амалга оширишга алоҳида эътибор бериш кўзда тутилади. Биз шунга асосланамизки, шу йилнинг охирида ана шу соҳалардаги кичик корхоналарнинг тахминан учдан бир қисми, 1992 йилда эса камида учдан икки қисми давлат мулки қаторидан чиқарилиши лозим. Бу ишда асосий оғирлик маҳаллий идоралар зиммасига тушади, марказ ва жумҳуриятлар эса уларга ташкилий, методик ёрдам бериб уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туриши лозим.

Ўртача ва йирик корхоналарга келганда эса, бу соҳада ҳам фақат кундалик даромадлар учун эмас, балки ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун манфаатдор ва жавобгар бўлган ҳақиқий хўжайинларни вужудга келтириш зарурати ҳам бизни янада жадал ҳаракат қилишга мажбур этади. Давлат корхоналарини акционерлик жамиятларига, ширкатларга айлантириш, жамоа (халқ) корхоналарини барпо этиш лозим бўлади.

Бу одат бўлмаса ҳам, мен айтиб ўтишим керак, давлат корхоналарини акциялаштириш кампаниясини ўтказиш лозим. Шу билан бир вақтда барча давлат корхоналари акциялари ёки мол-мулки қийматининг камида 10 фоизини меҳнат жамоаси аъзолари ва бошқа фуқароларнинг мулкига айлантиришни жуда тез, бир ярим йил ичида таъминлаш лозим. Табиийки, дастлабки босқичда акцияларнинг анчагина қисми давлат мулки бўлиб қолади. Давлат улушида қолган ана шу мулкни сотишга келганда эса, у бир эмас, бир неча йилни талаб қилади, албатта.

Бунда биз иккита вазифани ҳал қилишни зарур деб ҳисоблаймиз. Биринчидан, давлат мулкини сотиб олиш учун «нопок», нотўғри йўллар билан ишлаб топилган пулдан фойдаланишга йўл қўймаслик. Бунинг тегишли воситаси ишлаб чиқилади. Иккинчидан, меҳнаткашларнинг кўпчилиги ўзлари ишлаб топган пулнинг бир қисмини акцияларни сотиб олишга сарфлаши, шу йўл билан мулкни харид қилиш ва қўшимча даромад олиш имкониятини таъминлаш учун шарт-шароит яратиш. Шу мақсадда аҳолининг акцияларни сотиб олишга ёки шу мақсадда бериладиган қарзларни тўлашга ажратган иш ҳаки ва бошқа пул даромадларини даромад солиғидан озод қилиш кўзда тутилмоқда. Давлат мулкини сотиб олиш ва сармоя сарфлаш учун ўз фойдасидан фойдаланаётган корхоналарга ҳам ана шундай имтиёз бериш керак.

Иттифоқнинг ўз ҳукмини ўтказиш жумҳурият ёки минтақанинг ҳукмини ўтказишга алмаштириш эмас, балки корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни бош вазифа деб билаётганлигимизни ҳисобга олиб яқин вақт ичида бу ишни амалга ошириш вазифаларини фарқлаб қўйишни, умуман мамлакат учун алоҳида аҳамиятга молик жуда катта корхоналарни давлат тасарруфидан чиқаришни Иттифоқ зиммасига юклашни таклиф қиламиз. Мулкни фарқлаб қўйишга келганда эса бу вазифани корхоналарнинг халқ хўжалигидаги аҳамиятига ва Иттифоқ билан жумҳуриятлар ўртасидаги вазифаларни фарқлашга асосланиб акциялар ёки пайларни тақсимлаш орқали мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида ҳал этган маъқулроқдир. Шуни ҳам айтиш керакки, биз давлат акциялари бир қисмининг эгалари маҳаллий идоралар бўлиши керак, деган таклифни қўллаб-қувватлаймиз. Бу ҳол бошқарувнинг барча даражаларида манфаатлар бирлигини иқтисодий асосда таъминлашга имкон беради.

Ҳукумат шунга асосланадики, мол-мулкни фарқлаб қўйиш тўғрисидаги масала илгари келишиб олинганидек, 1 июлга қадар узил-кесил ҳал этилиши лозим. Яқин вақт ичида келгусида бошқарув ва алоқаларнинг умумий қоидаларини белгилаб чиқиш, уларни махсус битимда мустаҳкамлаб қўйиш ва амалий ишда шу қоидаларга риоя этиш зарур. Бунда СССР Вазирлар Маҳкамаси, айрим одамлар айтаётганидек, қандайдир бошқаларнинг ҳуқуқларини қонунга хилоф равишда тортиб олиш ниятида эмас.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга жуда катта аҳамият бериб, шу билан бир вақтда давлат корхоналари ишини тубдан яхшилаш зарур деб ҳисоблаймиз, бунда битим асосида ишбилармонликни кенг ривожлантириш энг муҳим йўналишлардан бири бўлиши лозим. Ҳақиқатан ҳам, давлат корхонасининг раҳбари ёки умуман маъмурият давлат олдида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишчиларнинг моддий-маиший аҳволини яхшилаш мажбуриятини ўз зиммасига олиб нима учун битимга мувофиқ ҳақиқий ишбилармон сифатида ҳаракат қила олмас экан? Бунинг учун ҳозир ҳуқуқий шарт-шароит яратилган. Биз аниқ амалий ишларни авж олдиришни кўзда тутяпмиз.

Меҳнатга ҳақ тўлашни ислоҳ қилиш — одамларнинг меҳнатдаги фаоллигини ошириш ва уларнинг турмушини яхшилашга доир ишларнинг муҳим йўналишидир. Бу иш бошлаб юборилди. Меҳнаткашларнинг турли касб-малака гуруҳлари учун иш ҳақи энг кам миқдорининг давлат кафолатлари белгиланди. Якка тартибда ишлаб пул топиш миқдорининг чекланишлари бекор қилинди. Корхоналарга меҳнатга ҳақ тўлаш шаклари ва системасини мустақил белгилаш ҳуқуқи берилди.

Халқ хўжалигидаги аниқравшан тармоқларнинг ходимлари учун тариф ставкалари ва маошлари, ижтимоий кафолатлар даражасини белгилаш масалаларида ижтимоий аҳилликка эришишнинг мутлақо янги воситасини барпо этиш навбати келди. Бу ишлаб чиқариш воситаси эгасининг манфаатларини ифодалайдиган концернлар, акционерлик жамиятлари, корхоналар раҳбалари, меҳнаткашларнинг вакиллари бўлмиш касаба уюшмалари, шунингдек ҳукумат ўртасида уч томонлама ижтимоий шерикчилик воситаси бўлади. Бунинг устига иш ҳақи ва истеъмол фонди умуман ишлаб чиқаришнинг пировард натижалари ўсиши билан боғлиқ бўлиши керак, деган қоида музокараларга асос қилиб олиниши керак.

Ниҳоят, биз агар ана шундай алоқа йўқ экан, агар ишлаб чиқариш таназзулга юз тутган пайтда иш ҳақини ики баравар ошириш тўғрисидаги талаблар ўртага қўйилар экан, бу фақат нарх-наво қимматлашишининг янги давраси билан тугашини англаб олишимиз керак. Бу ерда мўъжиза бўлмайди. Агар товар ишлаб чиқариш кўпайтирилмай туриб иш ҳақи оширилса, у ҳолда нарх-наво маъмурий йўл билан чеклаб қўйилган пайтда дўконларнинг пештахталари бўш бўлади, навбатдаги босқичда эса пул қадрсизланишининг янги давраси бошланиши муқаррар бўлади. Ўзини-ўзи алдашдан иборат бўлган бундай ўйинда аввало кексалар, кўп болали оилалар, талабалар, яъни даромади қайд этиб қўйилган ёки қатъий талаблар қўйиш йўли билан иш ҳақи оширилишига эришолмайдиган кишилар жабрланадилар.

Шахсий ном чиқариш ёки бошқа худбинлик мақсадларини кўзлаб одамларни иш ташлашга, ишни тегишли равишда яхшиламаган ҳолда иш ҳақини кўпайтиришни талаб қилишга ундаётган одамлар аҳлоқсиз, халққа қарши сиёсатни юритаётганлигини, мамлакатни, унинг ишлаб чиқариш имкониятларини барбод этишга, пировард натижада турмуш шароитининг баттар ёмонлашишига интилаётганлигини халқ тушуниб олади, деб ўйлайман.

Ҳукуматнинг вазифаси ҳозир имкониятларимизни тўғри баҳолаб, диққат-эътиборни энг асосий муаммоларга, халқ хўжалигининг, ҳар бир совет кишиси турмуш шароитининг тақдирини белгилаб берадиган масалаларга қаратишдан иборат.

Асосий қийинчилик шундаки, белгиланган чора-тадбирларни ишлаб чиқаришда анча таназзул юз берган ва ресурсларнинг ҳамма турлари камайган шароитда амалга оширишга тўғри келади. Мамлакатда ҳозир ортиқча ҳеч нарса йўқ. Ортиқча ресурс ҳам, пул ҳам, ишчи кучи ҳам йўқ. Энди ҳеч нарсани тақсимлай олмаймиз. Биргалашиб белгилаб олишимиз керак: энг асосий иш нимада, бизнинг омон қолишимиз қайси ишга боғлиқ — шуни аниқлаб олишимиз ва бутун куч ва маблағни шу ишга сарфлашимиз керак.

Дастуримизда ана шундай долзарб вазифалар қаторига озиқ-овқат ва дори-дармон, транспорт ва энергетика муаммолари киритилган. Яхши ният деган баҳона билан ана шу доирани кенгайтиришга ҳар қандай уриниш муқаррар равишда ресурсларнинг сочилиб кетишига олиб боради, барқарорлаштириш — муддатлари беҳад чўзилиб кетади ва кутилган натижани бермайди. Биз ана шу жиҳатларни тушуниб етишга жуда умид қиламиз.

Вазирлар Маҳкамаси мамлакат хўжалик турмушининг барча соҳаларига эътибор беришга мажбур, албатта. Бинобарин, ўзининг кундалик фаолиятида олдида турган вазифаларни ҳал қилаверади. Лекин вазият эътиборни бутунлай бошқа томонга қаратишга, энг зарур масалаларни танлашга, инсоннинг кундалик эҳтиёжларини биринчи ўринга қўйишга мажбур қилмоқда. Бу дастурнинг бош ғоясидир.

Шу позициядан туриб, биз қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, гўшт-сут саноатлари эҳтиёжлари учун ишлаётган тармоқларга энг қулай, имтиёзли шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилдик. Биз озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш учун ниҳоятда қатъият билан дадил чоралар кўришимиз лозим.

Лекин бу ғоят муҳим вазифани ҳал этишда асосий оғирлик республикалар, маҳаллий Советлар, асосийси эса, бевосита озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда уни ишлаб чиқариш учун қишлоқ хўжалиги хом ашёси етиштирувчилар зиммасига тушишини унутмаслигимиз керак.

Дастурда сиз транспортнинг ва энергетиканинг узлуксиз ишлашини таъминлашга қаратилган тадбирларни ҳам учратасиз. Биз бу ишда энг қатъий қарорлар қабул қилиш керак бўлишига чуқур ишонч ҳосил қилдик. Вазият бизни шунга мажбур қиляпти.

Ўртоқ депутатлар!

Шундай фаолият соҳалари борки, бунда масалаларни овоз бериш йўли билан ҳал этиб бўлмайди, бундай соҳаларда иқтисодий ҳисобкитоб керак. Улар сиёсий курашдан ҳоли этилиши лозим. Бунда гап аввало молияни ва пул муомаласини соғломлаштиришга, сўмнинг қадрини барқарорлаштиришга қаратилган тадбирлар тўғрисида бормоқда. Бу тангликка қарши бутун дастурнинг негизидир.

Ҳозир масала 1922 йилдагидек бўлиб турибди: «Биз сўмнинг қадрини барқарорлаштира олсак — демак ғалаба қозонамиз, акс ҳолда — ўйинни бой берамиз». Турли моллар сотиб олишга имкон яратадиган сўмнинг барқарорлиги бўлмаса, демак ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи омиллар ҳам бўлмайди ва бундан чиқди, иқтисодиётни юксалтириш уёқда турсин, ҳатто унинг таназзулини тўхтатишга ҳам муваффақ бўлолмаймиз. Тақчилликнинг кучайиши давом этаверади.

Бирорта ҳам ҳукумат ҳеч қандай дастурни агар у тегишли молиявий ресурслар билан таъминламаса, амалга ошира олмайди. Шунинг учун биз миннатдор бўлишларига катта умид боғламай, бу муаммони барча воситалар билан ҳал этиш ниятидамиз. Лекин бизни тушунишларидан умидвор бўлишга ҳақлимиз.

Йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, Иттифоқ бюджети, иқтисодиётни барқарорлаштириш Иттифоқ фонди, аҳолига ижтимоий ёрдам фонди ва бошқа Иттифоқ фондлари, илгари айтиб ўтганимдек ҳалокатли аҳволга тушиб қолган. Бунда муболаға йўқ.

Бутун масъулиятни зиммамга олиб шуни таъкидлайманки, ҳукумат бундай вазиятдан кўз юмолмайди. Лекин биз фақат мажбурий тартибда тўловлар олиш йўли билан ишни ўнглаб бўлмаслигини яхши тушунамиз. Бу ишда тадбирлар ва келишиб қабул қилинган қарорлар мажмуи керак.

Молия ва пул муомаласи — бу оёғимиз остидаги заминдир. Токи бу замин мустаҳкам бўлмас экан, қадамларимиз ҳам шаҳдам бўлмайди. Уни мустаҳкамлаш учун хилма-хил, шу жумладан одатдан ташқари тадбирлар керак бўлади. Бутун жаҳон тажрибаси, қолаверса, Ватанимиз тажрибаси ҳам шусиз иш битириб бўлмаслигидан далолат бермоқда. Биз бу муаммони онгли равишда ошкор этяпмиз.

Муаммони ҳал этишнинг бир-биридан принцип жиҳатдан фарқ қилувчи икки йўли бор. Биз ана шу йўлларни кўриб чиқдик. Биринчиси шундан иборатки, қисқа муддатларда барча давлат харажатлари, шу жумладан қабул қилинган ижтимоий дастурлар учун харажатлар кескин камайтирилади, бюджет танқислигини тугатиш учун солиқлар оширилади. Айни пайтда банкнинг фоиз ставкалари кескин оширилади, ҳар қандай йўл билан пул массаси чекланади, даромадлар бир даражада сақланади.

Бунинг натижасида пулнинг қадрсизланиши тўхатилган, нарх-навонинг ошиши барҳам топган бўлур эди, лекин бунда ишлаб чиқариш ва аҳоли муомаладаги пулнинг камайиб кетишидан жуда қийналиб қолган, маҳсулот ишлаб чиқариш тағин ҳам қисқарган, ишсизлар жуда кўпайиб кетган бўлур эди. Аҳолининг истеъмол даражаси ҳам пасайган бўлур эди. Жаҳон тажрибасида бунга етарлича мисоллар бор. Биз бундай йўлни танлай олмаймиз.

Иккинчи йўл нархларга эркин тус бериш, аҳоли иш ҳақи ва бошқа даромадлари ўсиши йўлида қўйилган барча чеклашлар олиб ташланишини кўзда тутади. Солиқ солиш системаси нарх-наво ва даромадлар ўсишидан фойдаланиб, бюджетни мувозанатга келтириш ва шу асосда пировард натижада пул муомаласини барқарорлаштириш учун шарт-шароит яратиш имконини берадиган тарзда ўзгартирилмоқда.

Бироқ бу йўл амалда пулнинг қадрсизланиши янада кучайишига олиб келади. Бу эса ишлаб чиқаришнинг илдизига болта уради, кредитни барбод қилади, инвестицияларни бефойда қилиб қўяди ва халқ турмуш даражасига янада кучлироқ зарба беради.

Биз танлаган ҳақиқий йўл шундан иборатки, шу жарликларнинг бирортасига ҳам қулаб тушмасдан, ҳар икки муқобил вариантга тегишли тадбирларни шу мақсад йўлида уйғунлаштириб боришимиз керак бўлади. Бу пулнинг қадрсизланишини бошқариш йўли бўлиб, ҳаракат дастурида белгиланган тадбирлар бизни ана шу йўлдан олиб боради.

Фақат халқ хўжалигида вужудга келаётган тамойилларга оқилона ва тезкорлик билан мослашиш, ҳокимият ҳамда бошқарув барча даражаларининг биргалашиб ва аниқ ҳаракат қилиши орқали бу йўлни энг кам чиқим билан босиб ўтиш мумкинлигини ҳамма тушунади, деб умид қиламан.

Ана шу ҳал қилувчи йўналишда дастурда қандай аниқ тадбирлар таклиф этилган? Биз аввало Иттифоқнинг бюджет тузилиши ҳақида, Иттифоқ, республикалар ва маҳаллий идоралар ўртасида даромад ва харажатларни чегаралаб қўйиш ҳамда қаттиқ молия ва тўлов интизоми тўғрисида қатъий ва узил-кесил келишиб олишимиз зарур.

Биз Россия Федерациясининг харжатларни мумкин қадар камайтириш ёки уларни бир даражада сақлаб туриш мақсадида Иттифоқ, республикалар ва минтақаларнинг фавқулодда квартал бюджетларини ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаймиз. Бу, чамаси, пулнинг қадрсизланиши шароитида етарли бўлади. Бунда бюджетнинг фақат ҳимояланган деб аталувчи ва ижтимоий эҳтиёжлар учун харжатларни пул билан таъминлашга оид моддалари чекланган рўйхати юзасидан нарх-наво ўсишини тўғрилаб туриш назарда тутилмоқда. Бошқа масалаларда маблағ фақат олинаётган даромадларга мос холдагина сарфланиши лозим.

Ҳукумат харажатларни, шу жумладан ҳарбий харажатларни қамайтиришнинг яна бошқа имкониятларини ҳам излашга тайёр. Биз бунинг ғоят қийин масала эканини тушунамиз, лекин йўлини топиш керак. Ҳарбий саноатни конверсиялаш дастури ҳам шу жиҳатдан қайта кўриб чиқилиши лозим. Ўз навбатида республикалар ва маҳаллий идоралар катта масъулият ҳиссини туйиб, ўз лимитларидан чиқмасликлари керак.

Зеро, ҳозир бюджет танқислиги ўрни марказий банклардан берилаётган қарзлар билан қопланмоқда ва бу пул эмиссиясининг энг катта каналларидан биридир. Биз ўзаро келишиб, бундай қарзларнинг қатъий лимитини белгилаш ва уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги вақтнинг фожиаси шундаки, биз ҳаммамиз неча ўн йилликлар мобайнида давлат ҳомийлигига, давлат ҳар ишни уддалашига ва ҳамма ишни қилишга мажбурлигига ўрганиб қолганмиз. Лекин энди биз бу яроқсиз амалиётдан воз кечишга мажбурмиз ва ҳозирги Вазирлар Маҳкамаси шу билан боғлиқ норозиликни бартараф этиш учун ишлашига тўғри келяпти.

Иқтисодиёт қонунлари муқаррардир: агар биз қарзлар ёрдамида ушлаб турилаётган арзон нарх-наво бўлишини, ижтимоий дастурларга катта маблағ сарфлашни истасак — ваҳоланки, бу мақсадлар учун барча бюджет харажатларининг учдан икки қисмидан кўпроғи кетяпти, — у ҳолда бунинг ўрнини солиқлар билан қоплашимиз лозим. Бошқа йўл ҳам, манба ҳам йўқ. Шу муносабат билан дастурдаги бир муҳим ёзувни шарҳлаб беришим керак: «1992 йилдан бошлаб оборот солиғи ислоҳ этилади, тижорат солиғи бекор қилинади ва қўшилган нарх солиғига ҳамда акциялар системасига ўтилади». Бу молияни соғломлаштириш учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Бунинг моҳияти шундаки, бюджетни мувозанатлаш ва нарх-наво ошиши мумкинлиги шароитида унинг ҳаражатларини пул чиқариб таъминлашни тўхтатиш фақат бюджет даромадида нарх-наво ва аҳоли даромадлари ошиши билан бирга ўз-ўзидан кўпаядиган манбалар кўпроқ бўлган тақдирда мумкин бўлади. Бу — жаҳон тажрибаси. Оборот солиғи, тижорат солиғи, қўшимча қиймат солиғи айни ана шундай манбалардир.

Айни шу туфайли ўтган йил охирида тижорат солиғи жорий этилган эди. Бу ниҳоятда кучли танқидларга сабаб бўлди. Тан олишим керакки, бу ишда биз учун одат бўлиб қолган поймапойликка, билимсизликка, хатоларга йўл қўйилди, бунга яна қуруқ муҳокамалар қўшилди. Бу солиқ қай тарзда, қаерда ва нима учун пайдо бўлди? У шу ерда, мана шу залда пайдо бўлган. Илгари кўпчилик гапирганидек, янги пенсиялар ва оналарга ёрдам учун пул йўқлиги маълум бўлгач, ё ниятдан қайтишимиз, ёки зарур маблағни халқдан олишимиз керак бўлиб қолди. Биз иккинчи йўлни танладик. Бу ишни қандай бажариш керак? Кўпроқ ва қимматроқ нарсаларни сотиб олаётганлар тўлай қолсин. Шундай қилиб, сотиб олинаётган моллар нархига қараб, бу моллар кимга ва ким учун мўлжалланган бўлса, ўшалардан ташқари барча истеъмолчилардан фоизли солиқ олинадиган бўлди. Бунинг учун эса республикаларга солиқ солинмайдиган ижтимоий муҳим моллар ҳамда кундалик зарур хизматлар рўйхатини белгилаш топширилди. Лекин кимлардир кечикди, кимлардир бор-йўқлигига қарамай моллар ва хизматларнинг шундай рўйхатини белгилади. Савдода СССР савдо вазирлигининг кўрсатмасидагидек иш тутиш, яъни нархномаларни солиқни ҳам қўшиб ҳисоблаб торроқ белгилаш ўрнига, ҳар бир мол нархини касса ёнида ҳисоблай бошлашди. Хатони йўл-йўлакай тузатишга тўғри келди, ҳолбуки аҳволни бу ҳам енгиллаштира олмади. Лекин мен ҳозир бошқа масалани ҳамма тушуниб етишига эришишни истардим: агар биз сўмнинг қадрини мустаҳкамламоқчи бўлсак, тақчилликни бартараф этишни, кераксиз қоғозбозликни тўхтатишни истасак, у ҳолда бизга айни шу турдаги солиқ керак.

Биз даромад солиғини ва бошқа айрим ажратмаларни сезиларли даражада камайтириш, сотувдан олинадиган солиқни унга ўхшаш қўшимча қиймат солиғи билан, оборот солиғини эса акциялар билан алмаштириш ниятидамиз. Иш ҳақидан, фойдадан ва солиқ олинадиган бошқа даромадлардан корхоналарни, акцияларни, инвестицияларни сотиб олишга ҳамда шу мақсадлар учун бериладиган қарзларни тўлашга сарфланадиган маблағларни олиб қолмоқчимиз. Бошқача қилиб айтганда — Европадаги кўпгина ривожланган мамлакатларда қабул қилинган солиқ системасига ўтиш, солиқнинг асосий қисмини кўпроқ истеъмол қилаётганлардан олиш ниятидамиз. Бундан ташқари, агар нарх-наво ошиб, у билан бирга бюджет харажатлари ҳам кўпайса, у ҳолда шу солиқлардан келадиган тушумлар ҳам нарх-наво билан бирга ошаверади. Бу бюджетни мувозанатда сақлаш ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга ошириш учун маблағга эга бўлиш имконини беради. Шу йўсинда бюджет системасида автоматик тарзда ишловчи пулнинг қадрсизланиши олдини олиш механизми вужудга келтирилади.

Депутат ўртоқлар! Бизнинг чет эл сармоясини жалб этиш муаммосига нисбатан нуқтаи назаримизни ҳам билдиришни зарур, деб ҳисоблайман. Амалда бу соҳада жуда кам иш қилинди, лекин шов-шув керагидан эшёд бўлди. Келинглар, бу масалага аниқлик киритайлик. Очиқ турдаги иқтисодиёт барпо этила бошланди, яъни бизнинг мамлакатимиз жаҳон хўжалиги алоқаларида, халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этиши керак. Ғарб бозорлари очиқ ва биз бу бозорларда иш олиб боришдан манфаатдормиз. Лекин у ҳолда биз ўз ички бозоримизни ҳам аста-секин очишимиз лозим. Бунга фақат маҳсулот бозори эмас, у ҳеч қандай алоқасиз ўзича яшай олмайди, шу билан бирга молия, қарзга бериладиган сармоя, ишчи кучи, ақлий мулк бозорлари ҳам киради.

Чет эл сармоясини жалб этиш тўғрисида гапирганда, биз аввало эртанги кунга назар ташлашимиз керак. Биз чет элдан гўшт ва ёғ, кроссовкалар ва упа-эликлар сотиб олиш ҳақида эмас, балки рақобатлаша олиш муҳитини яратиш тўғрисида ўйлашимиз керак. Ҳолбуки, ҳозир бизга ушбу моллар ҳам керак. Мамлакатга энг янги технологиялар, замонавий машина-ускуналар, экологик жиҳатдан тоза ишлаб чиқариш, билим ва тажриба керак. Маданийлашган инфраструктура барпо этиш, аҳолига кўрсатиладиган хизматларни кенгайтириш лозим. Мана шу соҳада ривожланган мамлакатлар тажрибаси бизга ниҳоятда қўл келади. Улар ўз пулларини бизда ишга солиш учун оёқларини қўлларига олиб чопқиллаб келадилар, деб ўйлаш керак эмас. Бу хато фикр.

Ҳукуматнинг фикрича, чет эл сармоясини жалб этиш юзасидан муайян мақсадга йўналтирилган комплекс дастур ишлаб чиқилиши керак. Бу дастурда биз шу сармоялар ишга солиниши учун устунликлар белгилашимиз, рағбатлантириш ва кафолатлар системасини яратишимиз керак. Ана шундагина сезиларли ёрдам ҳамда ижобий натижалар олишдан умидвор бўлиш мумкин.

Бунда гап асло Россияни сотиб юбориш, ёки уни мустамлакага айлантириш тўғрисида бораётгани йўқ. Одамларни қўрқитиб эмас, билимдонлик билан ишлаш керак. Қўшма Штатлар у ердаги компаниялар, банклар ва фирмаларнинг эҳтимол ярми жаҳондаги бошқа мамлакатларга тегишли бўлсада, энг кучли яхлит давлатлигича қолмоқда.

Агар 1—2 йил ичида юзлаб чет эл меҳмонхоналари, минглаб автосервис марказлари, ресторанлар ва қаҳвахоналар бунёд этилса, қай биримизнинг аҳволимиз ёмонлашади? Наҳотки, биз қудратли озиқ-овқат ёки табобат саноати яратилишидан манфаатдор бўлмасак? Қисқа вақт ичида шуларнинг ҳаммасини амалга ошириш мумкин. Мисол қидириб узоққа боришнинг ҳожати йўқ.

Бизнинг саноатда минглаб тонна ниҳоятда қимматбаҳо маҳсулотлар нобуд бўляпти, миллионлаб кубметр ёғоч-тахта чириб кетяпти, мамлакат темир-терсак билан тўлиб тошган, ҳолбуки ана шу барча ресурслар ниҳоятда етишмай турибди. Шуни дангал ва очиқ айтиш керакки, биз ўзимиз ишни эплолмаяпмиз, техника ва технология йўқ, қўлимиз тегмаяпти, хўжайинлик туйғуси ҳали уйғонмаган. Улар эса ёрдам беришга тайёр, бунинг устига иккала томон учун ҳам фойдали шартлар асосида ёрдам беришади. Ахир, буни она ерни сотиш деб бўлармиди? Йўқ, шу жиҳатдан бу уни қутқаришдир. Ишончимиз комилки, энди нотўғри фикрлардан воз кечиб, қўламли ва малакали иш тутиш вақти етди.

Ниҳоят, алоҳида диққат-эътиборингизни сўнгги масалага қаратишни истардим. Бу, чамаси, дастурда ҳам, ҳукумат фаолиятининг ўзида ҳам асосий масаладир. Гап республикалар билан ўзаро муносабатлар ҳақида, муносабатларнинг янги шакли тўғрисида боряпти.

Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби марказ аввалгидек қола олмаслигини жуда яхши тушунади. Бизнинг ўзаро муносабатларимизни амалда ўзгартириш лозим.

Вазирлар Маҳкамаси дастурни ишлаб чиқаётганда иқтисодиётни бошқариш системаси ҳозирги замон шароитида республикаларнинг Иттифоқ давлат тузилишидаги янги мавқеига, ваколатлар марказ билан федерация субъектлари ўртасида умумий манфаатлар йўлида оқилона тақсимланишига асосланиши лозимлигидан келиб чиқди.

Шу туфайли дастурда мамлакатни тангликдан олиб чиқиш юзасидан биргаликдаги мувофиқлаштирилган ҳаракатлар қилиш кўзда тутилган ва бу пировард натижага эришишнинг зарур шартидир. Дастурни янгиланаётган федерациянинг барча субъектлари фаолиятини биз мослаштиришга уринаётган аллақандай схема деб билиш керак эмас. Биз тангликка қарши тадбирларни амалга оширишда зиммасига анча катта оғирлик тушадиган республикалар бу тадбирларни ҳам мамлакатда, ҳам ўз ҳудудларида реал вужудга келаётган иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий вазиятга қараб ва уни ҳисобга олиб, амалга оширишларини тан оламиз.

Ҳамма ишни марказдан бериладиган буйруқлар асосида амалга оширишга уриниш бемаънилик ва зараралидир. Зотан, табиийки, дастурни амалга ошириш снёсати ва амалиётини мувофиқлаштириб турмасдан, бутун мамлакат миқёсида пухта ташкил этмасдан, халқ хўжалигини тиклаб бўлмайди. Ҳукумат унга айни республикалар берадиган ваколатлар доирасида ғайрат ва қатъият билан ҳаракат қилиш ниятида.

Айни шунинг учун ҳам барча асосий масалалар юзасидан биз фақат республикалар билан келишиб қарор қабул қилишимизни қайта-қайта таъкидлашни зарурчим деб биламан.

Бунинг устига, очиқ айтишим керакки, биз шартнома имзоланмасдан олдиноқ якдилликка эришамиз, деб ўйлаган эдик. Дастурнинг иловасига эътибор беринг. У ерда янги битимларнинг бир даста лойиҳаси бор. Наҳотки, яна аллакимларнингдир нафсонияти ва Вазирлар Маҳкамаси аъзоларига бўлган шахсий адовати бизга бир-биримизни тушунишда халал берса.

Дастурни, у нақадар ажойиб бўлмасин, Олий Кенгаш, ижтимоий кучлар кенг қўллаб-қувватламаса, ҳеч қандай ҳукумат амалга ошира олмайди. Биз дастур қўллаб-қувватланишидан умидвормиз, лекин мамлакатда бу кучлар гуруҳларга қайта бўлинаётганлигини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Шу туфайли биз касаба уюшмалари, халқ хўжалиги турли тармоқлари корхоналарининг кўнгилли уюшмалари, ижодий уюшмалар, бошқа тараққийпарвар ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг ошиб бораётган мавқеи ва аҳамиятига эътибор бериб, умид боғлаяпмиз.

Бироқ очиқ-ойдин айтиб қўяқолай, Вазирлар Маҳкамаси шуҳрат қозониш ва одамлар тан олиши учун кимларнингдир ноғорасига ўйнамоқчи эмас, биз белгиланган тадбирларни амалга оширишга қатъий бел боғлаганмиз, ҳолбуки, буларнинг кўпчилиги жуда қаттиқ чоралардир. Ҳукумат мулоқот бошлашга тайёр, у ҳар қандай фракциялар, партиялар ва ҳаракатлар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда муросали ечимлар излаб топиш учун очиқ. Бизга билдирилган барча амалий таклифлар ва мулоҳазалар ҳисобга олинди ёки энди олинади. Дастурни парламентда тинглаш давомида билдириладиган таклиф ва мулоҳазаларга ҳам шундай муносабатда бўлинади.

Ҳозир энг асосий нарса — бу самарали меҳнат, ҳар бир фуқаронинг юксак даражадаги масъулиятни ҳис этишидир. Фабрикалар ва заводлар, домналар ва шахталар, электр станциялари ва транспорт тўла куч билан ишлаши, одамларда меҳнатга рағбат ва эртанги кунга ишонч пайдо бўлиши учун биз қўлимиздан келган барча ишни қилишимиз шарт.

СССР Вазирлар Маҳкамаси халққа, жамоат ташкилотларига ва ҳаракатларига мурожаат қилиб, уларни мамлакат турмушини нормаллаштириш учун сафларни мустаҳкамлашга, кучларни бирлаштиришга даъват этади. Ишлаш керак, мамлакат хавф остида.

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

СССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ИҚТИСОДИЁТНИ ТАНГЛИКДАН ЧИҚАРИБ ОЛИШ СОҲАСИДАГИ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

СССР Президенти тақдим этган мамлакат иқтисодиётини тангликдан чиқариб олиш юзасидан СССР Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракат дастурини кўриб чиқиб, СССР Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Иқтисодиётни тангликдан чиқариб олиш юзасидан СССР Вазирлар Маҳкамаси ҳаракат дастурининг асосий қоидалари қўллаб-қувватлансин, бу дастур СССР ҳукумати яқин даврдаги ишининг асосий мазмуни деб ҳисоблансин.

2. СССР Вазирлар Маҳкамаси жумҳуриятларнинг, СССР Олий Кенгаши комитетларининг, палаталар доимий комиссияларининг ва СССР халқ депутатларининг мулоҳазаларини ҳамда таклифларини эътиборга олиб, дастурни зарур тарзда пухта ишлаб чиқсин. СССР Олий Кенгашининг тегишли комитетлари ва комиссиялари дастур лойиҳасини пухта ишлаб чиқишда қатнашсинлар.

Мазкур иш якунлари СССР Олий Кенгашига 1991 йил 20 майгача маълум қилинсин.

3. СССР Президенти билан СССР Вазирлар Маҳкамаси мамлакат иқтисодиётини тангликдан чиқариб олишга оид ҳаракат дастурини амалга оширишга, бозор муносабатларини изчиллик билан шакллантиришга, кредит-пул системаси фаолиятини ва банклар ишини йўлга қўйишга дарҳол киришсинлар. Бунда ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга, умумий-иқтисодий маконни сақлаб қолишга, пенсия жамғармасини, ижтимоий суғурта жамғармасини, иш билан таъминлаш жамғармасини, жумҳуриятлараро аҳоли ижтимоий ҳимояси жамғармасини кафолатли равишда шакллантиришга алоҳида эътибор берилсин.

Тангликка қарши дастурни амалга оширишга оид аниқравшан қарорлар жумҳуриятлар билан чамбарчас ўзаро алоқада ишлаб чиқилсин ва қабул этилсин.

4. СССР Олий Кенгашининг Раёсати СССР Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда дастурни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳамда СССР Олий Кенгашининг бешинчи ва олтинчи сессияларида кўриб чиқиладиган биринчи галдаги қонунларнинг рўйхатига аниқлик киритсин, бунда дастурни амалга оширишга оид бошқа чора-тад

• Навоий мукофотига номзодлар

НОТИНЧ ҚАЛБНИНГ ШУКУҲЛИ КАРВОНИ

Кўп миллатли совет адабиёти, жумладан, ўзбек совет адабиётида Алишер Навоийнинг бадиий образини гавдалантириш соҳасида салмоқли ижодий ишлар қилинди. Бундай шарафли вазифани бажаришда Ойбек, Миркарим Осим, Уйғун ва Иззат Султон, А. Спешнев, В. Шкловский, Л. Бать ва бошқа адиблар ўз истеъдодларини синаб кўришиб, ҳар бири Алишер Навоий образининг турли қирраларини ўзларининг маҳоратлари даражасида бадиий гавдалантиришга эришдилар. Буюк устоз образини яратишдек машаққатли ишга таниқли шоир Барот Бойқобилов ҳам қўл уриб, ўзининг «Шукуҳли карвон» ҳамда «Нотинч Хуросон» (1985) романларини яратди.

Алишер Навоий образи кўпчилик ёзувчиларимиз томонидан турли жанрларда қаламга олинган. Шу боис бу мавзуга қайта мурожаат этиш катта масъулият ва иқтидор талаб этиши табиий эди. Барот Бойқобилов ҳам ҳар икки романини яратганда ана шу қийинчиликларни ҳисобга олган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шоир ўз дилогиясини яратишда, энг аввало, Алишер Навоий ўзи ҳақида ёзган тарихий қайдларни, улуғ истеъдод эгасининг барча бадиий, илмий, тарихий асарларини, шунингдек, Навоийга замондош бўлган ҳамда кейинги даврларда яратилган тарихий ҳужжатларни, шунингдек, ҳозирги замон адабиётшуносларининг шу мавзуга дахлдор китобларини синчковлик билан ўқиб-ўрганиб чиққан. Шоирнинг бундай кузатувчанлиги ҳар икки романда берилган эпиграфларда, асарнинг муқаддима ва хотима қисмларида, тарихий воқеликни ҳозирги даврга боғлаш қатъияти билан битилган сатрларда, хуллас, бутун асар воқеаларида сезилиб туради.

Барот Бойқобилов салкам 20 йилдан буён поэзияда Алишер Навоий образини яратиш устида ишлаб келмоқда. Унинг биринчи йирик асари «Шукуҳли карвон»да Навоийнинг йигитлик даврдан кейинги ҳаёти тасвирланган. Яъни романда тилга олинган воқеалар Навоий ҳаётининг янада мураккаб ва зиддиятли даврларини ўз ичига олади. Роман шоирнинг Самарқандга жўнашга ҳозирлик кўриши, «ўғлидан айрилган мушфиқ онадек, мунчоқ шодасида гавҳар донадек, Ҳирот дам ўксиниб қолиши» манзараларини поэтиклаштириш билан бошланади. Шундан сўнг романнинг сюжет чизиғида Навоийнинг Самарқандда таҳсил кўриши, илм аҳллари ва шоирлар билан суҳбат қуриши, Самарқанддаги адабий муҳитда Навоийнинг тутган мавқеи, сўз санъаткорлари ўртасидаги зиддиятлар, Навоий ва унинг дўстларига қарши уюштирилган фитналар эҳтиросли бадиий манзараларда кўрсатилади.

Роман нашр этилиб, кенг адабий жамоатчиликнинг эътиборини қозонгач, Барот Бойқобиловда улуғ шоирга бағишлаб уч китоб яратиш истаги туғилди. Шу сабабли Алишер Навоийнинг ёшлик, ўсмирлик ва йигитлик даврларини, яъни 25 ёшгача бўлган ҳаётини хронологик тарзда тасвирлашни мақсад қилиб олинган «Нотинч Хуросон» романи юзага келди.

Романларнинг ҳар иккаласида ҳам Навоий таржимаи ҳоли ва ижоди билан боғлиқ воқеаларнинг кўпчилиги тарихийлик ва замонавийлик тартибига риоя қилинган ҳолда қаламга олинган. Бу хусусиятни «Нотинч Хуросон» китобига сўз боши ёзган адабиётшунос Абдуқодир Ҳайитметов ҳам алоҳида уқтириб ўтган. Ана шу жиҳатдан романларнинг қаҳрамонлари тарихий шахслар бўлиб, уларнинг айримлари эса (найсоз, чол, шоир Даҳо Ҳиравий, яна бир чол Қоплонбек) бадиий тўқиманинг маҳсулидир. Иккинчи томондан, асарда тарихий шароит ва вазият ўша даврдаги ўзаро феодал урушлар, халқнинг норозилик ҳаракатлари ва ўша даврларга тегишли тасвирлар анча кенг бўлиб, шу муносабат билан Мирзо Улуғбек ва унинг илмий фаолияти. Самарқанд ҳақидаги самимий мулоҳазалар, Машҳад ва Ҳирот адабий муҳити, Лутфий ва Гадоий, Хожа Юсуф Бурҳон ва Паҳлавон Муҳаммад, Мирсаид Қобулий ва Муҳаммад Али Ғарибий, Абдураҳмон Жомий ва Камол Турбатий, Фазлуллоҳ Абулайс ва Суҳайлий каби қўплаб қалам соҳиблари ҳақида ишонарли воқеалар тасвири берилган. Юқорида эслатилган тарихий шахсларнинг романларда келтирилиши бежиз эмас. Чунки уларнинг кўпчилиги билан Навоий ҳаётининг турли даврларида учрашган, суҳбатда бўлган ёки улардан таълим олиб, кейинчалик ўзининг асарларида уларни ниҳоят юксак эҳтиром ва самимият билан тилга олган эди. Шунинг учун ҳам бу тарихий шахсларнинг Б. Бойқобилов романларида Навоийнинг ҳар жиҳатдан шаклланишини тасвирлаш учун келтирилгани тарихий жиҳатдан ҳам, улуғ сўз санъаткорининг ижодий камолоти мантиқи жиҳатидан ҳам асосли ва ўринлидир.

Тўғри, айрим тарихий шахслар, хусусан Мирзо Улуғбек билан учрашув манзаралари Б. Бойқобиловнинг шоирона мантиқи маҳсули бўлса-да, асарнинг умумий тарихий руҳига таъсир этмайди. Чунки шоирона бу фараз икки буюк сиймонинг — Улуғбек ва Навоийнинг учрашуви ворислик принципининг ўзига хос бадиий ифодаси бўлиб туюлади, яъни нотинч Хуросон, жаҳолат ҳукмронлик қилган даврининг қурбони бўлган Улуғбек юлдузининг сўнмагани, унинг Навоий мисолида ёрқин юлдуз каби порлаяжаги тарзида талқин қилинишини маъқуллаш керак.

Роман дилогиянинг асосий мақсади Алишер Навоийнинг ижодкор ва инсон сифатидаги сиймосини ўша даврдаги мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳаёт фонида, нотинч ва мураккаб шароит заминида кўрсатишга қаратилгандир. Шу сабабли Б. Бойқобилов Навоий образини яратар экан, энг аввал, унинг олижаноб инсон сифатида шаклланиш жараёнини, иккинчидан эса ижтимоий адолатсизлик ва жаҳолат ҳукмронлиги даврида, инсоннинг қадр-қиммати топталган шароитда шоирда инсонпарварлик ва адолат учун кураш, улус ва фуқаронинг ғамхўри бўлишга интилиш каби фазилатларнинг ҳам шакллана ва мустаҳкамлана боришини бадиий тарзда акс эттиришга уринган. Бу уриниш ўзининг ижобий натижаларини ҳам берган. Шу жиҳатдан «Нотинч Хуросон»нинг иккинчи қисмида Алишернинг тоғалари Кобулий ва Ғарибийлар билан турли масалалар устида суҳбатлашиб, ўзининг инсонлик ва шоирлик мароми — кредосини қуйидагича баён этиши мантиқийдир:

Элдан ўзга йўқдир фақир ташвиши,
Элга хизмат этмай, не этгай киши!

Алишер образи тасвиридаги таъсирчан бадиий манзаралар хусусан Машҳад, Ҳирот, айниқса, Самарқанд давридаги воқеалар замирида яхши поэтик ифода топган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бу даврларда Алишер Навоий камолга эриша борган тарзда тасвирланар экан, унинг дунёқараши ва бадиий ижод соҳасидаги тушунчаларида сайқаллана бориш, мунтазамлик ҳам уйғунлаша боради. Натижада Алишернинг Камол Турбатий билан учрашувларидаги ёки устози Фазлуллоҳ Абулайс билан мулоқот тасвирларида ишонарли ва эсда қоладиган деталлар мавжуд. Биз бу ўринда Сокин Ҳуросонда Фазлуллоҳ Абулайс билан Алишер Навоий ўртасидаги яқинликларнинг ғоятсидаги таъсирчан яратилганлигини таъкидлашимиз бежиз эмас. Зотан, Навоий Самарқандга келиб илмда ва ижодда қанчалик юксак камолотга эришган, мислсиз олижаноб инсон сифатида шаклланган бўлса, бу кўп жиҳатдан Абулайс номи билан боғлиқдир.

Ҳали айтиб ўтганимиздек, Барот Бойқобилов Алишер Навоийнинг Самарқанд даврига боғлиқ ҳаётини тасвирлашга бағишланган романини «Шукуҳли карвон» деб атаган. Бу билан у Навоий Самарқанддан Ҳиротга шукуҳли карвон билан адабиётнинг улуғ дурдонаси — «Хамса»ни яратиш туйғулари оғушида қайтаётганлигига ишора этган. Зотан, романнинг мантиқий асоси ҳам Навоий Самарқанддан Ҳиротга илм ва адабиётнинг оғир юклари ортилган карвон билан қайтаётганлигини таъсирчан рамзлар билан ифодалашга боғлангандир.

Романнинг дастлабки қўшиқларидаги тасвир (романлардаги боблар қўшиқлар деб номланган) Алишер Навоий ва унинг атрофидаги сўз аҳилларининг айрилиқли ички кечинмалари билан бошланган, яъни ёш йигитнинг дўстлари қучоғидан ўзга шаҳарга кетаётганлигини поэтиклаштириш билан бошланган. Романнинг мантиқий хотимасида эса худди ана шундай ҳолат такрорланган бўлиб, бундай манзара гарчи самарқандлик илм ва ижод аҳллари учун улуғ шоир Ҳиротга қайтиб кетаётганлигидан қандайдир ҳижрон туйғуларини алангалатса, айни пайтда Навоийнинг Самарқандда ижодий ва маънавий баркамоллик билан кетаётганлиги дилларга қувонч туйғусини ҳам солади.

Дилогиядаги Абусаид, Абдуллатиф, Даҳо Ҳиравий каби персонажлар Навоий мансуб бўлган илғор гуруҳга қарши курашувчи кучлар тарзида тасвирланган. Булардан Абусаид ва Абдулатиф (Мирзо Улуғбекнинг ўғли) тарихий шахс бўлса, сарой-феодал адабий муҳитининг намояндаси сифатида гавдалантирилган Даҳо Ҳиравий тўқима образдир. Б. Бойқобилов ўз романида Даҳо Ҳиравийдаги мағрурлик, ўта манманлик ва салбий хусусиятларни акс эттиришга эриша олган.

Барот Бойқобиловнинг «Шукуҳли карвон», «Нотинч Хуросон» романлари улуғ ўзбек шоири ҳақида битилаётган трилогиянинг дилогиясидир. Бу шеърий романлар Алишер Навоий бадиий образини яратишга уринган нотинч қалбнинг кўп миллатли совет адабиётида буюк мутафаккир ҳақида яратилган асарларнинг шукуҳли карвони ёнига қўйган ҳиссасидир. Ҳар иккала шеърий романнинг ғоявий-эстетик аҳамияти, кейинги йиллар ўзбек совет поэзиясидаги ўрни тўғрисида матбуотимизда ўнлаб материаллар эълон қилинди. Бизнингча, ҳозир дилогиянинг қиммати ва ғоявий-бадиий таҳлили ҳақида атрофлича сўз юритишнинг мавриди эмас. Бизнинг ниятимиз Алишер Навоий таваллудининг қутлуғ 550 йиллик санаси арафасида буюк мутафаккир образини яратишга хизмат қилган ижодкорларнинг хизматини эслаб қўйиш, айни пайтда «Шукуҳли карвон» ва «Нотинч Хуросон» шеърий романлари Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлашга лойиқ эканлигини изҳор этишдир.

Б. ВАЛИХУЖАЕВ,
Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат дорилфунунининг профессори.
А. АБДУРАҲМОНОВ,
шу дорилфунун доценти.

• Азалий анъаналар

ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ БАЙРАМИ

Жиззахда бошланган ўзбек халқ ўйинларига бағишланган жумҳурият илмий-амалий анжумани якунланди. Форишдаги Қизилқир сайлгоҳига тўпланган минглаб кишилар ажойиб томошаларининг гувоҳи бўлдилар

Халқ ўйинлари байрамидан лавҳалар. У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

Тарихий маълумотларга қараганда, ўзбек халқ ўйинларининг мингдан зиёд тури мавжуд. Қадим замонлар маросимлари ва расм-русумларида миллий халқ ўйинларига кенг ўрин берилиб, турли мусобақалар ўтказиб келинган. Бу, ёшларни тарбиялаш, камолга етказишда муҳим аҳамият касб этган. Республика анжуманининг амалий қисми ўтказилган сайлгоҳда Иттифоқимизнинг турли бурчакларидан келган олимлар, мутахассислар унутилиб бораёзган миллий ўйинларни кўрдилар. «Оқ теракми, кўк терак», «Чуллик», «Оқ суяк», «Қулоқ чўзма», «Дўлқи», «Лапар», «Подачи», «Қават», «Тапир-тупур, ғоз-ғоз» каби ўйинлар довюракликни, чаққонлик, ҳушёрлик ва ҳозиржавобликни тақозо этади. Олимлар бундай ўйинлар инсонни гўзал, сарв қомат, бақувват бўлиш омили эканини алоҳида таъкидлашди.

Сайёб қишлоғидан келган «Подачи» ўйинчилари орасида Жаббор Отамуродов, Қодир Файзиев, Саид Қосимов каби 70 ни қоралаб қолган отахонларнинг бўлиши кўпчиликнинг эътиборини тортди. Улар ёшлардан қолишмай, абжирлик билан қўлларидаги таёқлари ёрдамида яқинлашиб келаётган «хавфни» даф этишарди: «Бу ўйин кишини ҳам хушёрликка, ҳам дадилликка даъват этади, — дейди команданинг энг кекса аъзоси, 71 ёшли М. Акромов. — Ўйинчидан вазиятга тўғри баҳо бера олиш, қатъий қарорга келиш талаб этилади. Муҳими ўйинда ёшу қари иштирок этаверади».

Ноҳияда 2- ва 5-мактаб қизларининг «Оқ теракми, кўк терак» ҳамда «Рўмол солай» ўйинлари ўзига хос нафосат касб этди. Айниқса, қизларнинг ютқазиш ёки жарима тўлашида жўшқинлик юзага келди. Боиси иштирокчиларнинг ашула айтиш, рақса тушиш, шеърхонлик санъатидан ҳам хабардор бўлишлари шарт эди.

— Илгарилари биз «Оқ суяк», «Қулоқ чўзма» каби ўйинларни берилиб ўйнар эдик, — дейди Улуғ Ватан уруши ногирони осмонсойлик Раҳмонқул Жабборов. — Ҳар иккала ўйинда тез югурадиган, чаққон, довюрак болалар ғолиб чиқишарди. Ёки қулоқларимизни юлиб олгудек бўлишса-да ўлжани бермасликка, ютқазмасликка ҳаракат қилардик. Бундай ўйинлардан олган кўникмамиз Улуғ Ватан уруши жанг-ғоҳларида асқотган эди.

Байрамда фаол иштирок этган беш давлат хўжалиги, 13 та мактаб жамоалари юзга яқин миллий ўйин турларини намойиш этишди. Томошабинлар ўзаро янги командалар тузишиб, ўйингоҳдаги беллашувларнинг бевосита иштирокчиларига айланишди. Шу куни сайилгоҳда ўтказилган вилоят полвонларининг бухороча кураш, тош кўтариш мусобақалари байрамга жозиба бағишлади. Анжуман вилоят чавандозлари иштирокида улоқ билан якунланди.

ДИЛ СЎЗЛАРИ

● Б. Ф. ПРОКУДИН, Коломна муаллимлар олийгоҳи профессори:

— Вилоятингизда ўзбек халқ ўйинларига шунчалик эътибор берилаётганлигини олқишлаш керак. Бизнинг Россияда эса қадимий ўйинларимизнинг кўпчилиги унутиб бўлинди. Менга айниқса Фориш халқининг, раҳбариятининг қадимий анъаналарни, миллий ўйинларни тиклаш борасидаги жонкуярликлари, тажрибалари ҳамда оммавийлик манзур бўлди...

● Қудрат АЛИМОВ, Термиз муаллимлар олийгоҳи ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди:

— Республика анжуманининг Жиззах вилоятида ўтиши бежиз эмаслигига ишонч ҳосил қилдик. Бу анжумандан биз ҳам, вилоят халқи ҳам наф кўрди. Сурхондарёга боргач, навбатдаги анжуманни ўз вилоятимизда ўтказиш масаласини кўрмоқчимиз...

● Ҳамиджон МЕЛИЕВ, Жиззах муаллимлар олийгоҳи педагогика ва бошланғич таълим методикаси кафедраси декани:

— Анжуман жараёнида миллий халқ ўйинларини ўрта мактабларнинг ўқув жараёнига киритиш ҳақида кўплаб таклифлар бўлди. Мен бу таклифларга тўла қўшиламан. Негаки, ҳаракатчан ўйинлар орасида қизлар учун ҳам, ўғил болалар учун ҳам мос шакллари кўп. Қолаверса, моддий таъминоти ночор қишлоқ мактабларида дарслар савияси анча яхшиланади.

● Тоштемир АБДУЛАКИМОВ, 6-ҳунар-техника билим юртининг жисмоний тарбия ўқитувчиси: Тошкент маданият олийгоҳининг доценти.

— У. Қорабоевнинг ўзбек халқ ўйинларини тиклаш борасидаги хизматлари биз қишлоқ ўқитувчиларини ижобий изланишга даъват этмоқда. Энди ҳурматли олимларимиз бу ўйинлардан саралаб, қоидаларини умумлаштириб, ўқув жараёнига киритиш масаласини тезроқ ҳал этишса, яхши бўларди.

● Фарҳоджон ЮСУПОВ, ўзбек халқ ўйинлари байрами бош ҳаками:

— Шу нарсага амин бўлдимки, келажакда халқ ўйинлари бўйича вилоят ва жумҳурият мусобақаларини ўтказиш лозим бўлади. Чунки, Форишдаги оммавийлик, миллий ўйинлар жозибаси кексаю ёшни ром этди.

Жумҳурият анжумани иштирокчиларининг миллий халқ ўйинларини тиклаш борасидаги дастлабки ҳаракатлари дадил қадам бўлди. Кўпчилик вилоятда тузилган ташкилий қўмита фаолиятига, Фориш район партия қўмитаси ҳамда райижроқўм раҳбариятининг ташкилотчилик ишларига миннатдорчилик билдирди.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• Ҳодиса

6 - ПАЛАТАДАГИ ҚОТИЛЛИК

Касалхонада икки киши ҳалок бўлди. Улар хасталикдан эмас, балки жиноятчилар қўлида оламдан ўтишди. Шу сабабли бу воқеани шифокор эмас, балки, Бухоро тўқимачилар районининг прокурори, биринчи класс ҳуқуқшунос А. Тошев шарҳлайди:

— Ҳеч қаерда ишламайдиган, илгари тўрт марта судланган С. Бухоро вилоят сил хасталиклари касалхонасининг суяк сили бўлимида, 6-палатада даволанарди. У кечки пайт маст ҳолда қирқма қўшотар милтиқдан уни кўргани келган икки кишини отиб қўйди. Уларнинг бири шу ернинг ўзида вафот этди, иккинчиси эса вилоят касалхонасининг жарроҳлик бўлимида оламдан ўтди.

Бу воқеани тасаввур этиш қийин, лекин на илож: ҳодиса содир бўлган куни жабрланганлар ҳам, гуноҳкор ҳам бўлимда арақ ичиб, касалхонада бемалол юришарди. Бу касалхонада оддий кун тартиби қоидаларига тўла риоя этилмаётганидангина эмас, айни вақтда бу ерда даволанаётган ёки ишлаётган кишиларнинг ҳаммаси ўлим хавфи остида қолганлигини билдиради. Уларнинг ҳар бири қуролланган арақхўрнинг қурбони бўлиши мумкин эди.

Терговда ҳалок бўлганларнинг бири илгари икки марта судланганлиги ҳам аниқланди. Лекин воқеанинг баъзи тафсилотлари ҳалигача аниқланганича йўқ: палатадаги беморнинг қўлига қирқма милтиқ қандай қилиб тушиб қолган? Қонли воқеаларга нима сабаб бўлган? Ана шу ва бошқа саволларга тергов жавоб топиши керак.

И. САФАРОВ,
ЎзТАГ мухбири.

СПОРТ

ТЕННИС:

ХАЛҚАРО БАҲС ҒОЛИБИ

● ЖУМҲУРИЯТИМИЗ пойтахтида ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро мусобақа мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Мусобақада мамлакатимиз шаҳарлари ҳамда Польша ва Мальтадан келган теннисчилар ўзаро баҳслашдилар. Қизғин баҳсларда иқтидорли теннисчилар камол топаётгани кўзга ташланди. Жумладан тошкентлик Дима Томашевичнинг маҳорати тобига етаётгани кўринди. У яқинда Ўзбекистон очиқ чемпионатининг ғолиби бўлган эди. Бу сафар ҳам бўш келмади. Барча учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, ҳал қилувчи ўйинда ереванлик С. Саргсян билан баҳслашди. Шундай қилиб теннисчимиз халқаро мусобақада зафар қучиб, ғолиблик супасига кўтарилди.

ФУТБОЛ:

ЯНА БИР УЧРАШУВ

● ОЛИЙ ЛИГА командалари ўртасида яна бир учрашув ўтказилди. «Днепр» футболчилари Киев динамочиларини қабул қилишди. Учрашувда томонлар дарвозаларга биттадан тўп киритишди. Ҳозир пойтахт армиячилари 13 та очко билан ягона пешқадамлик қилишмоқда. «Шахтёр» 10 очко билан иккинчи ўринда бормоқда. «Арарат» ҳисобида 9 та очко бор. «Днепр» ва торпедочилар тўплаган очколар 8 тадан бўлди.

ХОККЕЙ:

ТЎРТИНЧИ ЮТУҚ

● ФИНЛЯНДИЯДА шайбали хоккей бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионати қизғин паллага кирди. Ҳозирча СССР ва Канада хоккейчилари бир хил мавқега эга бўлиб, олдинда боришмоқда. Хоккейчиларимиз навбатдаги учрашувни АҚШ жамоаси билан ўтказиб (12:2), очколарини 8 та қилиб олишди. Канада жамоасида ҳам шунча очко бор. Океан орти хоккейчилари майдон эгаларидан 5:3 ҳисобида устун келишди. Олмония — Чехословакия 1:7, Швеция — Швейцария — 4:3. Бу ўйинлардан кейин ЧСФР жамоаси тўртта очко билан мавқеини бироз мустаҳкамлади. АҚШ ва Финляндия хоккейчиларида учтадан очко бор. Хоккейчилар кеча дам олишди. Бугун Швеция — ЧСФР, Швейцария — АҚШ, СССР — Канада, Финляндия — Олмония хоккейчилари майдонга тушадилар.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ МЕДИЦИНА ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

26 апрель ва 21 май соат 15.00 да

ўқишга киришни хоҳловчи абитуриентлар учун

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»НИ ЎТКАЗАДИ

Манзилгоҳимиз: 700140, Тошкент шаҳри, Чермет кўчаси, 103-уй. (19, 83, 96, 112, 156, 165-автобуслар; 3, 10, 15, 152, 153-маршрутли таксиларнинг «ТашПМИ» ёки «Микрорайон» бекати).

●

ВАСҲНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг

САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ

Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг яхлитлаштирилган усуллари лабораториясининг мудири

БЎШ ЛАВОЗИМИГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов муддати — 4 майгача.

Манзилимиз: Тошкент вилояти, «Кўксарой» алоқа бўлими (474, 487-автобусларнинг «Институт» бекати).

●

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

1—2 МАЙ СОАТ 19.00 ДА

Байрам концерти

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти

ШЕРАЛИ ЖЎРАЕВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

ЭЛМУРОД ИСЛОМОВ

ва

ФЕРУЗА СОЛИХОВА

Чипталар соат 11.00 дан 19.00 гача сотилмоқда.

Маълумот учун телефонлар: 45-92-13, 41-74-30.

●

«САНИИРИ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

1 май соат 12.00 ва19.00 да

Катта байрам концерти

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти

Малика АҲМЕДОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Аҳмаджон ШУКУРОВ, Абдулла БОЗОРОВ ва бошқалар.

Чипталар театр кассасида соат 10 дан бошлаб сотилмоқда.

Телефон 33-90-81.

●

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

4—5 МАЙ СОАТ 19.00 ДА

КУЛГИ ВА ШОДЛИК КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

«ҚИЗИҚЧИ — 90» КУРИГИНИНГ ҒОЛИБИ

ҲОЖИБОЙ ТОЖИБОЕВ

ва

АНДИЖОНЛИК ХУШОВОЗ ХОНАНДА ҲАЛИМ ЖЎРАЕВ

Чипталар соат 11.00 дан 19.00гача сотилмоқда.

Маълумотлар учун телефонлар: 45-92-13, 41-74-30.

Ўзбекистон Маданият Жамғармаси жамоаси илмий ходим М. Бекжонга отаси

Мадамин БЕКЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик вазирлиги жамоаси Хоразм вилоят деҳқончилик-саноат уюшмасининг раиси Р. Матрасуловга отаси

Исмоил МАТРАСУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5207.

№ 80. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12